1961 - X - xq

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 232 (11.981)

Сешанба, 3 октябрь 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

ҲАР КУНИ 2 ПРОЦЕНТДАН ОШИРИБ ПАХТА ТАЙЁРЛАЁТГАН ТОШКЕНТ ВА САМАРҚАНДЛИК АЗАМАТЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ!

XVI СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ—ЖАНГОВАР ВАЗИФА

Коммунизм нури — Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик ва Бахт-саодат нури бутун инсоният йўлини ёритиб турган, коммунизм идеялари миллионлар қалбидан янада чуқур жой олаётган, бутун совет халқи КПСС XXII съездига қизғин тайёрланаётган завқли кунларда Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди бўлиб ўтди.

Съезднинг бутун иши давомида партиянинг монолит бирлиги, Ўзбекистон меҳнаткашларининг коммунизм ишига, социалистик интернационализм ва халқлар дўстлиги идеясига чексиз содиқлиги, партиямиз Марказий Комитети теварагига янада мустаҳкам жипслашганлиги ёрқин улуғворлиги билан яна бир марта намоён бўлди.

Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди КПСС Программаси ва Уставининг янги проектлари тўғрисидаги масалаларни, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳамда ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини ишчанлик вазиятда ва юксак активлик билан муҳокама қилди, Ўзбекистон Компартиясининг марказий раҳбар органларини сайлади, муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан тегишли резолюциялар қабул қилди. Съезд делегатлари сиёсий, назарий ва амалий жиҳатдан ғоят катта аҳамиятга эга бўлган бу масалаларни муҳокама қилиш жараёнида республикадаги барча коммунистларнинг, ишчилар, колхозчилар ва совет зиёлиларининг фикр-туйғуларини, истак ва талабларини ёрқин ифода этдилар ва яхши мулоҳазаларни, илгарилаб боришимизга ёрдам берадиган маслаҳатларни, қимматли таклиф ва тавсияларни ўртага ташладилар.

Съездда шу нарса бирдамлик ва мамнуният билан қўрсатиб ўтилдики, **КПСС Программаси ва Уставининг янги проектлари марксизм-ленинизм назариясини ривожлантириш, ҳозирги даврнинг энг муҳим проблемаларини илмий асосда ишлаб чиқиш, назария билан практикани бирга қўшишнинг классик намунасидир. Замонамизнинг энг буюк бу тарихий ҳужжатлари коммунистик партиянинг, содиқ ленинчи, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун толмас курашчи Н. С. Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Президиуми коллектив ақл-идрокининг натижаси, турмушни чуқур билиш, ҳаёт тақозо этган масалаларни донишмандлик билан башорат қилиш, назарияга ижодий ёндошиш, халқнинг ҳаётий манфаатлари ва эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик кўрсатишнинг ажойиб ифодасидир.**

Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет Иттифоқидаги барча қон-қардош халқларнинг аҳил оиласида яшаб, жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кўрсатаётган катта ёрдам ва ғамхўрликка таяниб, экономика ва маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Партиянинг XX—XXI съездлари ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини амалга ошириш юзасидан олиб борилган яратувчилик ишлари натижасида республикамиз халқ хўжалиги ўз тараққиёти йўлида яна илгарилаб кетди.

Республикамиз саноати, даставвал оғир индустрия тағин ҳам ривожланди. Ўзбекистон ССР рангли металлургия ва кимё саноатининг йирик марказига айланмоқда. Машинасозлик саноати ишлаб чиқараётган янги машиналар, шу жумладан пахта терадиган «ХВС-1-2», ип йигирадиган, сугоришни механизациялаштирадиган машиналар, трансформатор комплекслари ва бошқа машиналар Совет Иттифоқининг жуда кўп районларида муваффақият билан фойдаланилмоқда. Бизда вужудга келган ёш газ саноати тез ривожланиб боряпти.

Саноат корхоналарида кенг илдиз отаётган коммунистик меҳнат ҳаракати минг-минглаб ишчиларни янги ишларга руҳлантиряпти, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва ўқиш уларнинг кундалик ҳаётий ишига айланяпти. Ҳозир республика саноатида социалистик мусобақанинг олий формаси — коммунистик меҳнат коллективи деган ном олиш учун курашаётган корхоналар, цехлар ва бригадалар сони тобора кўпайяпти. Ҳозиргача 5 корхона, 2500 бригада ва участка шу фахрли номни олишга сазовор бўлди.

Ўзбекистон Компартиясини и г XVI съезди шуни қайд қилдики, қишлоқ меҳнаткашлари мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун бошланган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшишга интилиб, етти йилликнинг икки йили мобайнида Ватанга бундан олдинги икки йилдагига қараганда 300 минг тонна кўп пахта бердилар. Гўшт, сут, жун, қоракўл тери, луб экинлари пояси ва тамаки 1959-1960 йилларда етти йиллик планнинг контроль рақамларида мўлжалланганига қараганда кўп етиштирилди ва давлатга сотилди. Картошка, сабзавот, қовун-тарвуз, мева ва узум етиштириш ҳам кўпайтирилди. Ирригация, мелиорация ва янги ерларни ўзлаштириш ишлари кенг авж олдирилди.

Деҳончилик маданияти ўсди, пахтачилик ва чорвачиликда механизмлардан, ердан ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш бирмунча яхшиланди, колхозчиларнинг шахсий манфаатини жамоат манфаати билан тўғри қўшиб олиб бориш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш йил сайин кўпайтирилмоқда, бу маҳсулотларнинг таннархи камайтирилмоқда. Қишлоқ хўжалигида чинакам машъал бўлаётган, экинлардан даставвал, пахтадан мутасил мўл ҳосил олаётган колхозлар сони ортиб боряпти. Республикада 112 та тажриба-намуна хўжалиги тузилди. Колхозлараро ишлаб чиқариш алоқалари кенгаймоқда.

Республика партия ташкилотлари идеология ишлари савиясини ошириш, пропаганда-агитациянинг янги форма ва методларини кенг қўлланиш ва такомиллаштириш, хўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиш, пропагандянинг таъсир доирасини кенгайтириш ва унинг ҳаёт билан боғланишини мустаҳкамлаш соҳасида катта тажриба тўпладилар.

Съездда халқ хўжалиги ва маданиятни юксалтириш, халқ фаровонлигини ўстириш соҳасида эришилган муваффақиятлар кўрсатилиши билан бирга, ишда юз бериб келаётган камчиликлар танқид, ўз-ўзини танқид асосида очиб ташланди. Бу камчиликлар шундан иборатки, область, шаҳар ва район партия комитетлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш планини бажариши, техника тараққиётини жадаллаштириш учун мавжуд имкониятлардан, резервлардан, маблағ ва материаллардан тўлиқ фойдаланишини таъминламаётир лар. Меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни механизациялаш ва автоматлаш суст жорий қилинмоқда. Айрим корхоналарда тайёрланаётган маҳсулот сифати паст, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун кескин кураш олиб борилмаяпти. Капитал қурилиш юзасидан белгиланган давлат планлари бажарилмаяпти.

Съезд қишлоқ хўжалигига қилинаётган раҳбарлик савияси мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини мўл қилиш соҳасида кучайиб кетган вазифаларга ҳали ҳам жавоб бераолик эмас деб ҳисоблайди. Кўпгина партия ва совет органлари чорвачиликка моҳирлик билан оқибарлик қилмаяпптилар. Чорвачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни механизациялаш даражаси ҳали ҳам паст.

Съезд ана шу камчиликларни тез орада тугатиш, хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлиги даражасини ошириш ва бу раҳбарликнинг янги усул ҳамда методларини кенг қўлланиш ва такомиллаштириш юзасидан катта тадбирлар белгилади, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятни янада ривожлантириш соҳасида яқин йиллар ичида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни кўрсатиб берди.

Ўзбекистон Компартиясини и г XVI съезди республика партия ташкилотлари зиммасига оғир индустрияни устун даражада юксалтириш базасида саноатнинг барча тармоқларини янада кенг ривожлантириш, техника прогресси учун, меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, маҳсулот таннархини камайтира бориш, ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш суръатини тезлатиш вазифасини юклади. Қора ва рангли металлургия, нефть, газ, кўмир, кимё саноати тағин ҳам ривожлантирилиши, Ўзбекистонда энг қудратли электр системаси барпо этилиши, тўрт йил ичида Тошкентда энг йирик ГРЭС қурилиши, Оҳангарон ва Тахиатош ГРЭС ларининг қуввати оширилиши лозим. Пахтачилик, луб, озиқ-овқат ва енгил саноатнинг бошқа тармоқлари янада тараққий эттирилиши керак. Транспорт ва алоқа йўлларининг тармоқлари кенгайтирилиши зарур. Съезд капитал қурилишни жадаллаштириш, аҳолининг уй-жойларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун бинокорлик қурилиши суръатини тезлатишни энг муҳим вазифалар деб ҳисоблади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида олдимизда турган вазифалар айниқса катта. **Съезд қишлоқ хўжалигининг ҳамма секторини, унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни тўхтовсиз ривожлантириш, мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтириш** йўлидаги умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшиш республикамиз меҳнаткашларининг, партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг улуғ ватанпарварлик бурчи деб таъкидлади. **Пахта етиштиришни яқин йилларда 3 миллион 830 минг-4 миллион тоннага, каноп поясини 245 минг тоннага, гўштни (сўйилган вазнда) 258 минг тоннага, сутни 1 миллион 290 минг тоннага, жунни 26,8 минг тоннага, қоракўл терини 2 миллион 200 минг донага, пиллани 17,6 минг тоннага етказиш, сабзавот, картошка, узум, қовун-тарвуз ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришни кескин кўпайтириш — республикамиз қишлоқ хўжалиги олдида турган жанговар вазифадир.**

Мана шу катта вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш область, шаҳар ва район партия комитетларидан бутун ташкилий-партиявий ишлар савиясини янада ошириши, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида партия ташкилотларининг етакчилик ва ташкилотчилик ролини кучайтиришни, партия ички демократиясини кенг авж олдиришни, партиялилар оммасининг активлиги ва ташаббускорлигини кўтаришни, партия ҳаётининг ленинча нормаларига оғишмай риоя қилишни талаб этади. Раҳбарлик ишлаб чиқаришга, оммага қанча яқин ва оператив ҳамда изчил бўлса, бу раҳбарлик сиёсий-хўжалик вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда шунча кучли таъсир кўрсата олади.

Партия ташкилотлари раҳбарлик иш услубининг турли форма ва методларини узлуксиз такомиллаштириб боришлари, қабул қилинган қарорларнинг ижроси учун курашишлари, оммaнинг ижодий активлигини янада ўстиришга, илғор, янги нарсаларни кенг ёйишга жиддий эътибор беришлари зарур. Кенг меҳнаткашлар оммасини совет ватанпарварлиги руҳида, социалистик интернационализм ва халқларнинг бузилмас қардошларча дўстлиги руҳида, юксак ғоявийлик, коммунизм улуғ ишига садоқат, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш — партия ташкилотларининг фаолиятида асосий ўрин олмоғи керак. Партия ташкилотлари эскилик сарқитларига қарши, миллатчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши, миллий чекланиш ва маҳдудлик қайфиятларига, ўтмишни идеаллаштиришга қарши кескин ўт очишлари керак.

Кадрлар билан ишлаш ва уларни тарбиялаш партиявий ишнинг узвий қисмидир. Кадрларни танлашда ленинча принципларга қатъий риоя қилиш, уларнинг сиёсий ва ишчанлик сифатларини, қобилияти ва омма орасида тутган мавқеини чуқур ўрганиш — партия комитетларининг муҳим ишидир. Кадрларни танлаган чоқда улар составида хотин-қизларнинг энг яхши вакиллари бўлишига алоҳида эътибор бериш керак.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари етти йилликнинг учинчи йилини якунлашнинг энг масъулиятли ва ҳал қилувчи даврига кирдилар. Партия ташкилотлари мана шу даврда ишнинг кўзини билиб, ҳамма жойда пахта йиғим-теримини пухта уюштиришлари. барча одам кучлари ва терим машиналаридан тўла фойдаланиш учун, йиғим-теримда ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси ва механик-дайдохининг юксак унум билан ишлаши учун бутун чораларни кўришлари, пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхши ташкил этишлари зарур.

Ўзбекистон Компартияси XVI съезди қарорларини, съездда қилинган докладларнинг моҳиятини барча меҳнаткашлар онгига чуқур сингдириш, съезд белгилаган хўжалик-сиёсий вазифаларни бажаришга ишчилар, колхозчилар ва совет зиёлиларини сафарбар этиш — партия ташкилотларининг жанговар вазифасидир.

Совет халқи ҳаётида янги истиқболлар очилди. Бизнинг халқимиз ленинчи Коммунистик партия раҳбарлигида ва йўлбошчисида коммунизмнинг муҳташам биносини қуряпти. Барча қардош совет халқлари оиласида Ўзбек халқи ҳам КПСС XXII съездига зўр тайёрлик кўрар экан, мана шу муътабар бинони қуриш ишига энг муносиб ҳисса қўшаётганлиги билан чексиз бахтиёр ва мамнундир.



Ўртоқ Отто Вильгельмович КУУСИНЕНГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Сизни, улуғ Ленининг содиқ шогирдини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг кўзга кўринган арбобини саксон ёшга тўлган кунингиз билан самимий табриклайдилар.

Сиз ўзингизнинг бутун онгли ҳаётингизни ишчилар синфининг помещчиклар ва капиталистлар зулмига қарши қаратилган иши учун курашга бағишладингиз. Сиз партия ва давлат ишларидаги ҳамма вазифаларда ўз куч-қувватингизни, билимингизни ва катта ҳаётий тажрибангизни коммунизмнинг улуғ ишига садоқат билан сарфлаб келдингиз ва сарфламоқдасиз.

Азиз дўстимиз ва ўртоғимиз Отто Вильгельмович, меҳнаткашлар бахт-саодати йўлида Сизнинг кўп йиллар сиҳат-саломат бўлишингизни ва самарали ишлашингизни чин юракдан тилаймиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ О. В. КУУСИНЕНГА Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ О. В. Куусинен туғилган кунининг саксон йиллиги муносабати билан ҳамда унинг Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Отто Вильгельмович **Куусиненга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда «Уроқ ва Болға» олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1961 йил 2 октябрь.

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети пахта териш ҳамда давлатга топшириш юзасидан областлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг сентябрь ойи учинчи ўнкунлик якунига доир Ўзбекистон ССР Ҳалқ хўжалиги кенгаши ва Тайёрлаш министрлиги тақдим этган материалларни қараб чиқдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қўчма Қизил байроғи **Самарқанд области**га берилди (Ўзбекистон КП область комитетининг секретари ўртоқ **Маҳмудов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Юсупов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Мақсумова**, область совхозлар трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Каримов**, область тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Иброҳимов**, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Аракелов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Шодиев**), бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 42,35 процент, машина терими юзасидан олинган мажбуриятни 9,94, пахтани қоп-қанорсиз ташиш мажбуриятини 30,02 процент бажарган ва сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида давлатга йиллик планнинг 20,04 процента миқдорида пахта топширган.

Қўчма Қизил байроқ Хоразм областидан олиб берилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қўчма Қизил байроғи **Тошкент области**га берилди. (Ўзбекистон КП область комитетининг секретари ўртоқ **Абдуразоқов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Эргашев**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Қурбонов**, область совхозлар трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Рущкий**, область тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Новосельцев**, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Эгамбердиев**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Нормуҳамедов**), бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 37,92 процент, машина терими юзасидан мажбуриятни 13,1 процент, пахтани қоп-қанорсиз ташиш мажбуриятини 33,14 процент бажарган ва сентябрнинг учинчи ўн кунлигида давлатга йиллик планнинг 19,36 процента миқдорида пахта топширган. Қўчма Қизил Байроқ Андижон областидан олиб берилди.

Пахта териш ва уни давлатга топширишда илғор бўлган колхоз ва совхозларга сотиш учун Самарқанд ва Тошкент областларининг ижроия комитетлари ихтиёрига 5 тадан юк автомашинаси ажратилди.

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг ва ғўза баргини тўктиришнинг бориши тўғрисида 1961 йил 2 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш ва ғўза баргини тўктириш—планга нисбатан, машина терими ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш			Пахтани қоп-қанорсиз ташиш	Ғўза баргини тўктириш
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Машина терими		
Андижон	1,73	47,24	7,70	46,72	76,3
Сурхондарё	1,59	44,96	14,32	37,42	54,5
Самарқанд	2,16	44,51	11,18	32,32	76,2
Хоразм	1,92	43,10	1,84	12,88	80,3
Бухоро	1,83	40,24	4,26	31,07	63,3
Тошкент	2,13	40,05	14,72	35,61	90,05
Фарғона	1,49	39,01	1,61	27,50	17,8
Қорақалпоғистон АССР	1,41	30,33	1,56	12,38	92,8

Пилла тайёрлаш плани бажарилди

Сурхондарё пиллачилари мамлакатга 1210 тонна пилла етказиб бердилар. Йиллик план бажарилди.

Қорақалпоғистон АССР пиллачилари давлатга пилла тайёрлаш планини 100 процент бажардилар. Мамлакатга 500 тоннадан кўпроқ пилла топширилди.

Пилла тайёрлаш давом этмоқда.

ГВИНЕЯ ХАЛҚИГА ТАБРИК

МОСКВА, 1 октябрь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Гвинея Республикасининг миллий байрами—Мустақиллик куни муносабати билан Гвинея халқини совет халқи номидан самимий табрикладилар.

Гвинея Республикасининг Президенти ва ҳукумат раиси Секу Турега юборилган телеграммада Гвинея Республикасининг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, барча халқлар ўртасида дўстона ҳамкорликни ривожлантириш йўлида сарфлаётган куч-ғайратига, Африка қитъаси халқлари ўз миллий озодлиги ва чинакам мустақил ривожланиши учун империализмга ва мустамлакачиликка қарши олиб бораётган курашга Гвинея Республикасининг зўр ҳисса қўшаётганлигига юксак баҳо берилади.

Совет раҳбарлари иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари иккала халқнинг бахт-саодати ва умумий тинчлик манфаатлари йўлида бундан буён ҳам муваффақиятли суратда ривожланаберади, деб қатъий ишонч билдирдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«Советская Киргизия» газетасини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Қирғизистон меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш ҳамда уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилиш соҳасидаги кўп йиллик самарали иши учун, ўн мингинчи сонининг чиқиши муносабати билан **«Советская Киргизия»** республика газетаси **Меҳнат Қизил Байроқ** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1961 йил 30 сентябрь.

Яхши ният билан боғ қил, кўчат эк!

50 МИЛЛИОН КЎЧАТ ЎТҚАЗАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

□ □ □

Ўзбекистонда кейинги йилларда 277 миллион тупдан кўпроқ ҳар хил кўчат ўтқазилди, янги боғ ва токзорлар қилинди. Етти йилликнинг дастлабки икки йили топшириғи анча ортиғи билан бажарилди. Шунга қарамай яхши парвариш қилинмаслиги, бу йил сувнинг камчил бўлганлиги ҳамда эҳтиёт қилиб сақланмаслиги оқибатида кўчатларнинг бир қисми қуриб қолди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети боғ ва токзорларни, ўрмон ва тут дарахтларини янада кўпайтириш мақсадида 1 ноябрдан бошлаб «Кўчат ўтқазиш ойлиги» ўтказишга қарор қилдилар. Ойлик мобайнида камида 50 миллион туп кўчат ўтқазилиши, шу жумладан 41 миллион туп ўрмон дарахтлари кўчати, 7 миллион туп тут кўчати, 350 минг туп (1400 гектар майдонда) мевали дарахт кўчатлари ва 1 миллион 650 минг туп (1100 гектар майдонда) ток кўчатлари ўтқазилиши керак. Қарорда ҳар бир область, министрлик идора бўйича қанча туп кўчат ўтқазиш зарурлиги аниқ кўрсатилган.

Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги, Маориф, Соғлиқни сақлаш, Автотранспорт ва тош йўллар, Коммунал хўжалиги министрликларига, ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш Бош бошқармасига, Халқ хўжалиги кенгашига, Тошкент темир йўл бошқармасига, Совхозлар бош бошқармасига, область, район ва шаҳар партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область, шаҳар ва район ижроия комитетларига:

колхозлар, совхозлар ва ўрмон хўжаликлари, корхоналар ва муассасалар кўчатларни, уруғликларни, ўғитларни барвақт ғамлаб, дарахт ўтқазиладиган участкаларни текислаб қўйишларини мўлжаллаб октябрь ойи давомида кўчат ўтқазиш ойлигига тайёргарлик ишларини амалга ошириш;

кўчат ўтқазиш вақтида агротехника қоидаларига риоя қилинишини кузатиб бориш ва ёш кўчатларни сақлаш чораларини кўриш таклиф қилинди.

Катта Ўзбекистон тракти бўйлаб кўчат ўтқазишни давом эттириш кўзда тутилади. Шунга биноан Сурхондарё область ижроия комитетига, ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш Бош бошқармасига, Халқ хўжалиги кенгашига, Тошкент темир йўл бошқармасига, Совхозлар бош бошқармасига, Автотранспорт ва тош йўллар министрлиги ҳамда «Главголодностепстрой»га йўл-йўриқлар берилди.

Бу йил ҳам бултур қилинганидек кўчма қумларни кўчиб юришининг олдини олиш учун ўрмон дарахтлари ўтқазилади ва кўчма қумлар мустаҳкамланади. Қишлоқ хўжалик авиацияси учувчиларига 10.8 минг гектар майдонда қумликларга саксаул, черкез ва қандим экиш таклиф қилинди. Ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бу ишга раҳбарлик қилади. Ана шу бошқармага, шунингдек, Совхозлар бош бошқармаси, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, Фарғона, Андижон, Бухоро ва Хоразм область ижроия комитетларига уруғликни гайёрлаб қўйиш топширилди. Шу йилнинг қузидагина 360 тонна уруғлик керак бўлади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари зиммасига ҳар бир колхоз ўз кўчатзорига эга бўлишини таъминлашга эришиш вазифасини юкладилар. Шундай кўчатзорлари бор бўлган жойларда бу кўчатзорларни кенгайтириш лозим. Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советлари ижроия комитетларининг ҳаммасига шундай кўчатзорлар барпо этиш ва бор жойда уларни кенгайтириш топширилди.

Касаба союз, комсомол ва пионер ташкилотларини кўчат ўтказишга, ойликни ўтказишда актив қатнашишга жалб қилиш керак.

XXII СЪЕЗДОЛИН минбари

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ



НОРИН КАСКАДИ ТҮНҒИЧИ

Ўзбекистон ва Қирғизистон чегараларида Учқўрғон ГЭС қурилиши тугалланмоқда. Бу иншоот тоғли Норин дарёсида қурилаётган 27 гидроэлектростанциянинг биринчисидир. Станция электр қуввати ишлаб чиқариш жиҳатидан Фарғона водийсида энг йирик ГЭС бўлади. Шунингдек, Учқўрғон ГЭСи тўғони ёрдамида 4,5 миллион кубометр сув сигадиган сунъий сув омбори барпо қилинади. Бу эса қўшимча суратда 30-40 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш имкониятини беради. Қурувчилар КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, йил охиригача пландаги бир агрегат ўрнига икки агрегатни ишга тушириш учун курашмоқдалар. СУРАТДА: Учқўрғон ГЭС қурилиши.

Л. Мейнерт фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАСИ САҲИФАСИДА

Коммунист Андижон областининг меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси ва Устави, проектларини қизғин муҳокама қилиш билан область газетаси саҳифаларида ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён этмоқдалар.

Газетанинг яқиндаги сонларидан бирида «Совет кишилари ҳар ишга қодир» сарлавҳали мақола босилди. Унда Пахтаобод районидаги «Коммуна» колхозининг аъзолари бундай деб ёзадилар:

«КПСС нинг янги Программаси проектида ирригация-мелиорация ишларини кенг кўламда амалга оширишга алоҳида аҳамият берилган. Бу вазифа «Коммуна» колхозига ҳам тааллуқлидир. Чунки колхоз территориясида 600 гектарга яқин майдон сув етишмаслиги туфайли фойдаланилмай ётибди.

Норин дарёсига қурилаётган ГЭС қошидаги ва амалий фаолият усулларини белгилаб беради.

* * *

Коммунистик партия бутун фаолияти ва тараққиётининг барча босқичларида ўз Уставини — ана шу қудратли ташкилий қуролини тинмай такомиллаштириб келди. Дастлаб партия Устави Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига асос солинган РСДРП II съездида қабул қилинди. Партиянинг биринчи Устави проектини В. И. Ленин ишлаб чиққан эди. В. И. Ленин томонидан партия II съезди муҳокамасига тақдим этилган Устав проектида иккинчи Интернационалнинг оппортунистик партияларидан тамомила фарқ қиладиган янги типдаги жанговар, революцион, марказлашган, интизомли пролетариат партиясининг ташкилий принциплари ёрқин ифодалаб берилди.

КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ ҚУДРАТЛИ ТАШКИЛИЙ ҚУРОЛИ

Бутун партиямиз, барча совет кишилари, қардош коммунистик ва ишчи партиялари, ҳамма мамлакатларнинг меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси ва Устави проектларини зўр шод-хуррамлик билан кутиб олди. Замонамизнинг бу буюк сиёсий ва назарий ҳужжатларида социализм қуриш практикаси ижодий ривожлантирилиб, жаҳондаги революцион ҳаракат тажрибаси эътиборга олинган ҳолда коммунистик қурилишнинг бош вазифалари ва асосий босқичлари белгилаб берилди.

«Коммунизм қурилиши авж олдирилган давр, — дейилади Программа проектида, — **совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи бўлган Коммунистик партиянинг роли ва аҳамиятининг янада ўсиши билан характерланади.**

Коммунистик жамият ўтмишдаги барча социал-иқтисодий формациялардан фарқли ўлароқ стихияли равишда таркиб топмайди, балки марксча-ленинча партия раҳбарлик қилаётган халқ оммасининг онгли ва мақсадга қаратилган фаолиятн натижасида ташкил топиб боради». Коммунистик партия меҳнаткашларнинг энг илғор вакилларини ўз сафларида бирлаштирган, омма билан яқиндан боғланган, халқ орасида чексиз иззат-обрўга эга бўлгани ҳамда жамият тараққиёти қонунларини билиб олгани ҳолда коммунизм қуриш соҳасидаги барча ишларга зўр комил ишонч билан тўғри раҳбарлик қилмоқдаки, бунга у кўп жиҳатдан ўз ҳаётининг асосий қонуни — партия Устави билан қуролланиб олганлиги туфайли муяссар бўлмоқда.

КПСС коммунизм қураётган совет халқининг илғор отряди эканлиги тўғрисидаги программ қоидалар партия янги Устави проектида ҳам аниқ баён қилинган. Революцион партия тўғрисидаги ленинча таълимот асосида ишлаб чиқилган янги Устав проектида партия қурилишининг жуда бой тажрибаси умумлаштирилган. Устав проекти партия турмуши ва партия раҳбарлигининг В. И. Ленин ишлаб чиққан норма ва принципларига таянгани ҳамда партия олдида турган янги вазифаларни тўла ҳисобга олгани ҳолда партиянинг ташкилий тузилиши, унинг ички ҳаётининг асосий қоидалари ва амалий фаолият усулларини белгилаб беради.

* * *

Коммунистик партия асосий, туб ташкилий принципларни тўла равишда сақлагани ҳолда, тарихий тараққиётнинг муайян босқичидаги сиёсий вазифаларни амалга оширишни таъминлайдиган ташкилий формаларни белгилайди. Худди шу йўлдан бориб, партия ўз Уставини кўп марта қайта кўриб чиқди ва тўлдирди.

Революциядан олдинги даврда партиянинг III съездидан бошлаб барча съездларида ҳамда олтинчи (Прага) партия конференциясида Устав қайта кўриб чиқилди. Уставга ўша даврда киритилган ўзгартиш ва тўлдиришлар партияни чинакам жанговар, революцион ташкилот сифатида мустаҳкамлашга қаратилган эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги даврда Коммунистик партия социалистик жамият қуриш вазифалари муносабати билан ўз Уставини янада такомиллаштирди. Бу даврда партия Уставига киритилган ўзгартиш ва тўлдиришлар мамлакатимизда социализм қурчш учун курашнинг янгидан-янги босқичларига ва шу муносабат билан партия олдида турган навбатдаги сиёсий вазифаларга тўла мос бўлиб тушди.

Партиянинг 1919 йил охирида бўлиб ўтган Бутунроссия конференцияси партия ячейкаси партия ташкилотининг асоси эканлиги биринчи марта кўрсатилган Уставни қабул қилди. Ушанда партия аъзолари сафига фақат номзодлар орасидан қабул қилиш тартиби белгиланган эди.

Мамлакатимизда янги иқтисодий сиёсат амалга оширилаётган даврда партия XI съезди партия сафларини мустаҳкамлаш мақсадида партияга қабул қилишда уч категорияни белгилаб берган эди.

Коммунистик партия олдида мамлакатни социалистик индустрлаш вазифаси пайдо бўлган даврда партия Уставга ўз сафларини янада мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартишлар киритди. Партиянинг XIV съезди қабул қилган Уставда партия сафига аъзоларни кандидатлар орасидан қабул қилишдаги уч категория сақланган бўлса ҳам, лекин партияга ишчиларни ва деҳқонларни қабул қилиш шартлари осонлаштирилган эди. Партиянинг XV ва XVII съездлари ҳам партия Уставига тегишли зарур ўзгартишларни киритди.

Социализм ғалаба қозониб, мамлакатимиз экономикаси ва синфий структураси тубдан ўзгарган ва совет халқининг маънавий-сиёсий бирлиги вужудга келган бир шароитда партиянинг 1939 йилда бўлиб ўтган XVIII съезди партия Уставига бир қанча муҳим ўзгартишлар киритди: партияга қабул қилишдаги категориялар бекор қилинди ҳамда партия сафига кирувчилар учун уларнинг ижтимоий аҳволидан қатъи назар бир хил шартлар белгиланди. Съезд партияни оммавий равишда тозалаш (чистка) методини бекор қилди, эндиликда Коммунистик партия ўз сафларини бегона, душман унсурлардан, партия Программаси ва Уставини бузувчи кишилардан одатдаги тартибда ҳам тозалай олишини таъкидлади.

Урушдан сўнгги даврда Коммунистик партия олдида пайдо бўлган коммунистик жамият қуриш вазифалари партия ташкилотлари ва барча коммунистларнинг активлигини янада анча оширишни тақозо қилди.

Партиянинг 1952 йилда бўлиб ўтган XIX съезди янги Устав текстини қабул қилди. Бу Уставда партияни Бутуниттифоқ Коммунистик (большевиклар) партияси ишчилар ва колхозчиларни партия сафига якка-якка танлаб қабул қилиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш вазифасини юклади. Съезд партия Уставига айрим ўзгартишлар киритди.

Партия Устави ҳаёт тақозоси билан шу тарзда такомиллаша борди, ленинчи партиянинг қудратли ташкилий қуроли ана шундай шонли йўлни босиб ўтди.

* * *

Коммунизм қуриш авж олдирилган даврда партия аъзосининг роли ва масъулияти янада ортади. Партия ўз Уставида партия аъзолиги тўғрисидаги ленинча ғояни тўла сақлаб қолади ва бу билан коммунист деган юксак номни бундан буён ҳам астойдил қадрлажагини таъкидлаб ўтади. Устав проектида: **«Партия Программаси ва Уставини эътироф этувчи, коммунизм қуришда актив қатнашувчи, партия ташкилотларидан бирида ишловчи, партия қарорларини бажарувчи ва аъзолик взносларини тўловчи Совет Иттифоқининг ҳар бир граждани КПСС аъзоси бўла олади»,** дейилган.

Партия коммунистик жамият қураётган халқнинг илғор отряди сифатида ўз ички партия турмушини ташкил қилишда ҳам олдинда бормоқда. коммунистик ижтимоий ўз-ўзини идора қилишнинг энг мукаммал формаларини ишлаб чиқишда намуна ва ўрнак кўрсатмоқда лозим.

Партия турмушининг қонуни — партия турмушининг ленинча нормаларига ҳамда коллектив раҳбарлик принципига сўзсиз риоя қилиш, партия органлари ва ҳодимларининг партия оммаси олдидаги масъулиятини ошириш, барча коммунистларнинг активлиги ва ташаббусини кучайтириш, уларнинг партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этишини таъминлаш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришдир. Бу — партиянинг ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланишнинг, партия сафлари бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашнинг, партия ички демократиясини ҳар томонлама ривожлантириш ва шу асосда омма билан алоқани мустаҳкамлашнинг зарур шартидир. Бу ҳаётий қоидалар КПСС янги Устави проектида, партиянинг ташкилий тузилиши, унинг юқори органлари ва маҳаллий ташкилотларининг вазифалари ва иш методлари, партия аъзосининг вазифа ва ҳуқуқлари тўғрисидаги барча бўлим ва параграфларида янада ривожлантирилади.

Ленинча коллектив раҳбарлик принципини изчил амалга ошириш, раҳбар партия органларига янги, соғлом партия кучларининг кўплаб келишини таъминлаш, кекса ва ёш кадрларнинг ҳар иккисидан тўғри фойдалана билиш мақсадида, шунингдек айрим ходимларнинг танҳо ўзлари ҳоким бўлиб олишларига имкон бермаслик ва уларнинг коллектив контроли остидан чиқиб қолиш ҳолларининг олдини олиш учун партиянинг янги Программаси ва Устави проектларида бир қанча тадбирлар белгиланган. Жумладан, партиянинг сайлаб қўйиладиган барча органлари составини — бошланғич партия ташкилотларидан тортиб Марказий Комитетгача барча органлари составини муайян пропорцияларда системали суратда янгилаб туриш практикасини жорий қилиш, бунда раҳбарликнинг алмашиниб туришини таъминлаш; партия ташкилотларида сайлаб қўйилиш ва ҳисоб беришни кенг жорий қилиш чўғда тутилган.

Барча коммунистлар ва совет кишилари яқдиллик билан маъқулланаётган партия янги Устави проекти КПСС XXII съезди томонидан қабул қилиниб, Коммунистик партиянинг тўла тақомилга эришган ўткир ташкилий қуролига айланади, халқимизни коммунизм манзилига тезроқ бошлаб борадиган кудратли воситаладан бири, барча қардош коммунистик ва ишчи партиялари учун юксак намуна бўлиб қолади.

Ҳ. НУРУЛЛАЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ — КОММУНИЗМ

Ёркин келажагимиз режалари мукаммал акс эттирилган КПСС нинг янги Программаси проектида мамлакатимизда халқ хўжалигининг барқ уриб яшнаши, яқин 20 йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг камида 6 баравар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 3,5 баравар кўпайтирилиши кўзда тутилади. Халқ хўжалигимизнинг бундай тез суръат билан юксалиши транспортчилар олдига катта вазифалар қўяди.

Тошкент темир йўлчилари республикамиз ва умуман Ўрта Осиё республикаларининг юк ташишга бўлган талабини муваффақиятли равишда қондириб келмоқда. Бироқ мамлакатда халқ хўжалигининг бундан кейин мисли кўрилмаган суръатлар билан тараққий этиши темир йўл хўжалигини қайта кўриб чиқиш; магистралнинг юк ташиш қобилиятини тағин ҳам ошириш тадбирларини қисқа вақт ичида амалга оширишни талаб этади.

Темир йўлда янги техника дадиллик билан жорий этилмоқда, илғор иш усуллари ва прогрессив технологияга кенг ўрин берилаётир. Тепловозлардан фойдаланишнинг салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. Магистралда ташилаётган умумий юкнинг 77 процентн нуқул тепловозлар ёрдами билан манзилларга элтиб берилмоқда. Паровоз деполари қайта реконструкция қилиниб, тепловоз деполарига айлантирилаётир. Ҳозирнинг ўзидаёқ темир йўлнинг асосий участкаларида — Чингелди станциясидан то Термизгача бўлган масофада тепловозлар қатновни амалга оширилди. Фарғона темир йўл бўлинмасида тепловозлардан фойдаланиш учун тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди.

Станцияларни қайта ускуналаш ва асосий узелларда стрелка ва сигналларни марказлаштирилган янги усулларда бошқаришга тўлақўкис ўтиш соҳасида ҳозирнинг ўзидаёқ анчагина ибратли ишлар қилинди. Темир йўлнинг каттагина қисмида поездларда радио алоқаси амалга оширилди, автоматика ва ярим автоматик блокировканн жорий этиш жадал олиб борилаётир.

Йўл хўжалигини тараққий эттиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Темир йўлнинг айрим участкаларига оғир типдаги рельслар, темир-бетон шпаллар ётқизилди. Бундай тадбир тағин ҳам кенг фронт бўйлаб авж олдирилади. Ишлар остидаги балласт ўрнига шчебёндан фойдаланишга ўтилди. Ҳар бир звонося 800 метргача узунликда бўлган рельслардан фойдаланиш шу куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Поездларни тузиш ва составлардан вагонларни ажратишда механизацня ҳамда автоматизациядан кенг фойдаланиш поездлар ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлашга катта имкониятлар яратиб беряпти. халқ хўжалиги юкларининг белгиланган манзилларга барвақт етказиб берилишини таъминламоқда.

Деполарда вагонларни ремонт қилишнинг 80 процентдан кўпроғи механизациялаштирилган, юк ортиш-тушириш операцияларида ҳам механизациядан фойдаланишнинг салмоғи кун сайин ортяпти. Бу эса, поездлар ҳаракатининг тезлашишига ёрдам бермоқда. Темир йўлчилар ҳаракат тезлигини ошириш билан бирга, поездлар огирлигини оширишга ҳам катта эътибор қилаётирлар. Ўтган етти ой мобайнида оғир юкли поездларда нормадан ташқари қарийб 8 миллион тонна халқ хўжалик юклари ташилганлиги, юкларни вагонларга зичлаб ортиш натижасида 15 мингтадан кўпроқ вагон тежалганлиги ва уларга қўшимча юклар ортиб жўнатилганлиги Тошкент темир йўлчиларининг съезд олди мусобақасида қўлга киритаётган улкан муваффақиятларидир.

Гап шундаки. халқ хўжалиги юкларини ташишга бўлган навкорлик етишмаяпти. Натижада вагонлар айниқса, корхоналарга кириш йўлларида кўплаб туриб қоляпти. Бу эса юкларнинг ўз вақтида белгиланган жойга етказилмаслигига, темир йўл ишининг пасайишига, энг муҳими, халқ хўжалигимизнинг юксак талабларини муваффақиятли амалга оширолмаслигимизга сабаб бўляпти.

Шу ўринда бирғина мисол келтирмоқчиман. Темир йўлдаги барча юкчилик ишларининг деярли 70 процентн корхоналарга кириш йўлларида олиб борилади. Бу кириш йўлларидаги аҳвол эса шу куннинг талабларига мутлақо жавоб бермайди. Салор станцияси ҳузуридаги нефть базасида юк обороти суткасига ўртача равишда 1958 йилдагига нисбатан 47 процент ошди. Бироқ. юк тушириш ишлари тезлашаш ўрнига деярли 50 процент секинлашиб кетди. Бундай аҳволни «Чирчиксельмаш», «Ташсельмаш», Қўқондаги пахта заводи ва бошқа корхоналарга кириш йўлларида ҳам учратиш мумкин. Кириш йўлларида вагонлардаги юклар ўз вақтида туширилмаслиги натижасида ҳаракатдаги составларнинг узоқ вақт бекор туриб қолиши каби хўжалик жиҳатдан зарарли ҳоллар рўй бермоқда. Бу эса вагонларни тезлик билан бўшатиб, юк ортиш жойларига ўз вақтида етказиб бериш ва темир йўл ишининг бир меёрда ташкил этилишига ҳалақит беряпти.

Менимча, республикадаги барча партия ва совет ташкилотларининг эътиборини корхоналарга кириш йўлларида вагонларнинг бекор туришини камайтиришга қаратмоқ керак. Бу ўринда пахтакор районлар партия комитетлари ва ижроия комитетлари ҳам алоҳида ташаббус кўрсатсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки, колхозлар ёки совхозлар ихтиёрига келган минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва бошқа турли хил юклар ўз вақтида тушириламайди. Вагонларнинг келганлиги ҳақида баъзи юк эгаларига қайта-қайта хабар берилса ҳам, улар масъулиятни сезмаётирлар. Оқибатда вагонлар кўплаб бекор туриб қолмоқда. ҳаракат тезлигининг салмоғи пасаймоқда. **Темир йўлчилар билан республикадаги юк ортувчи ва юк туширувчи корхоналар, колхозлар, совхозлар коллективлари ҳамкорликда ишласалар, вагонлар ҳаракатини янада тезлаштириш ва халқ хўжалигимизнинг юксалиб бораётган талабларига жавоб бериш муваффақиятли амалга оширилади.**

Фикримизча, шуни ҳам алоҳида назарга олиш керакки, вагонлар оборотини тезлаштиришда корхоналар коллективлари вақтдан тўғри фойдаланишлари зарур Кўпинча шундай ҳоллар ҳам бўладики, жума куни келтирилган юклар келаси ҳафтанинг сешанба кунигача бўшатилмай қолиб кетади. Бунинг асосий сабаби шуки, корхоналарга кириш йўлларида ва юк станцияларида шанба, дам олиш ва душанба кунлари шунингдек байрам кунлари ҳам юк ортиш-тушириш билан шуғулланувчи кишилар ишламайдилар, ишлаганларида ҳам бир меёрда ишламайдилар. Шунинг натижасида юкли вагонлар суткалаб, ҳатто 3-4 кунлаб юк операцияларида бекор туриб қолмоқда. Бунинг учун, албатта, юк эгалари темир йўлга штрафлар тўламоқдалар. Лекин **гап юк эгаларидан штрафлар ундириб олишда эмас, вагонларнинг оборотини тезлаштиришда. Шунинг учун республикадаги темир йўл билан алоқа қилувчи ташкилотларнинг эътиборини ана шу масалага ҳам жалб қилиш хўжалигимизнинг умумий юксалишига катта фойда келтирган бўлур эди, деб ҳисоблаймиз.**

Биз коммунизм қурилишининг янада авж олдирилган даврига кирдик. 20 йиллик муддатда қанчадан-қанча улкан ишлар амалга оширилиши керак. Бу ишларнинг ҳаммаси ҳам темир йўлчилар зиммасига тушади. Шунинг учун ҳам биз ҳар бир темирйўлчи ўз ишини, ўз вазифасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, ўз ишининг ҳақиқий ижодкорига айланиб боришини истаймиз.

В. САВЕЛЬЕВ,
Тошкент темир йўлининг бош инженери.

МЕНИНГ МУЛОҲАЗАМ

Халқимиз КПСС Программа ва Устави проектларини зўр қизиқиш билан ўрганиб, ўзларининг таклиф ва истакларини билдирмоқдалар. Мен ҳам КПСС Устави проектига доир ўз мулоҳазамни айтмоқчиман.

Уставнинг 4 параграфи «б» қисмида бундай дейилган:

— Партияга қабул қилиш масаласи бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишида муҳокама қилинади ва ҳал қилинади; йиғилишнинг қарори район партия комитети, районларга бўлинмаган шаҳарларда эса шаҳар партия комитети тасдиқидан сўнг кучга киради.

Шу параграфдан сўнг қуйидагича эслатма берилиб:

КПСС аъзолигига кандидат коммунистик қурилишнинг бирон соҳасида мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатса КПСС Марказий Комитети ёки Иттифоқчи республика Компартияси Марказий Комитетининг махсус қарори билан кандидатлик муддати тугамасданоқ КПСС аъзолигига қабул қилинади, деб кўрсатилиб ўтилса.

И. УСМОНОВ,
КПСС аъзоси.
Марҳамат райони.

БИЗНИНГ ТАКЛИФИМИЗ

Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программа проектини синчиклаб ўқиб чиқдик ва қувонч билан ўрганмоқдамиз. Программанинг ҳар бир сўзи, ҳар бир жумласи жуда катта маънони ўзида мужассамлаштирган. Унда инсоннинг бахти ва истиқболи доимлик билан ифода қилинган.

Программанинг ҳар бетини ўқиганингда жонажон партиямизга, унинг ленинчи Марказий Комитетига доимжамидлиги учун тасанно ўқийсан, қойил қоласан киши.

Биз мамлакатимизда коммунистик жамият қуришнинг улуғвор Программасини ўқиб, баъзи мулоҳазаларни айтишга доимо тайёрмиз.

Маълумки, баъзи кишилар бир йўла бир неча Советга депутат қилиб сайланадилар. Масалан, республика Олий Советининг депутати маҳаллий Советларга ҳам депутат бўлиб сайланаверади.

Бизнингча бу ҳолат депутатга сайловчилар наказини бажаришда салбий таъсир этиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз **КПСС Программаси проектига депутат битта Советга сайланиши мумкин, деган жумла киритилишини таклиф қиламиз.** Қишлоқ, район, шаҳар ва область Советларининг раисларини бундан мустасно қилиб қўйиш керак.

Я. Х. ТАНТАШЕВ,
Меҳнаткашлар депутатлари Тахиатош Совети ижроия комитетининг раиси.

Н. Д. ЦХАЙ,
Шаҳар Советининг депутати.

КПСС XXII СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИГАН КУНГАЧА 2,5 МИЛЛИОН ТОННА „ОҚ ОЛТИН“ ТОПШИРАМИЗ!



Урта Чирчиқ районидаги «Северный маяк» колхозининг механизатор-ҳайдовчиси Мастура Масағутова ўзининг «ХВС-1,2» агрегати билан 150 тонна пахта териш иштиёқида меҳнат қиляпти. У, ҳар куни бригада хирмонига 2-2,5 тоннага етказиб «оқ олтин» тўпмоқда. СУРАТДА: Мастура Масағутова.

Ф. Лутфуллаев фотоси.



Коммунист Ҳайдарали Боймуродов Поп районидаги «Коммунизм» колхозининг чўл ҳудудаги илғор бригада бошлиғи. Бригада бу йил 142 гектар ердан 355 тонна ҳосил йиғиштириш учун курашмоқда.

М. Гарипов фотоси.

Карвонбоши

ДЕНОВ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). КПСС XXII съездининг делегати ўртоқ Қурбон Жўраев раҳбар бўлган Генерал Раҳимов номли колхоз пахтакорлари йиғим-теримда яхши иш намуналарини кўрсатмоқдалар. 2188 гектар ернинг ҳар гектаридан 36,5 центнердан ҳосил олиб, пахта тайёрлаш давлат планини съезд очиладиган кунгача, гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» топшириш ҳақидаги социалистик мажбуриятни эса Октябрь байрамигача бажариш учун курашаётган бу пешқадам колхоз аъзолари ҳар куни давлатга 2,5-3 процент пахта топширмоқдалар.

Колхоз 28 сентябргача йиллик планни 50 процентдан ошириб бажарди. Гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган коммунист Ҳидирали Мингқулов, Асатулла Қораев, Турсун Мелибоев ўртоқлар бошлиқ бригадалар йиллик планни 70 процентдан ошириб қўйдилар. Бу бригадалар ҳар куни 3-4 процентга етказиб «оқ олтин» топширмоқдалар.

Колхоз далаларида ҳар куни 2100 дан зиёд киши этак боғлаб пахта теряпти. Уларнинг ўртача меҳнат унумдорлиги 90-100 килограммни ташкил қилади.

Колхоз коммунистлари ҳозирги долзарб кунларда ҳақиқатан авангардлик ролини ўйнамоқдалар. КПСС аъзоси ўртоқ Ойхон Бердиева йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ ҳаммага намуна бўлди. У биринчи бўлиб кўпмингкилограммчилар мусобақасини бошлаб берган эди. Ҳозир ҳар куни 210-220 килограммга етказиб пахта тераётир.

Колхоз коммунистларининг ҳаммаси асосий вазифаларидан ташқари теримда бевосита қатнашяпти. Бухгалтер Эргаш Бердиев, ўқитувчи Фармон Хайимқулов, электростанция мотористи Муҳиддин Мирзаназаров, слесарь О. Сайдинов каби ўнлаб коммунистлар ҳар куни 80-90 килограммдан пахта термоқдалар.

Колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ Тиловов) колхозчилар ўртасида КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб юборди. Бригадалар, звенолар ва колхозчилар орасида ўзаро социалистик мусобақа шартномалари тузилиб чиқилди. Шартномаларда пахта териш ва топшириш бўйича кунлик, беш кунлик ва ойлик мажбуриятлар конкрет белгиланди. Съезд очиладиган кунгача ва байрамгача қанча пахта топшириш мумкинлиги аниқланди.

Колхоз правлениеси теримда қатнашаётган барча кишилар учун зарур бўлган маданий-маиший ва бошқа шароитларни яратиб берди. Ҳамма бригадаларда иссиқ овқат ташкил этилди. Дала шийпонларида болалар яслилари ишлаб турибди. Йиғим-теримда прогрессив метод бўлган соатлик графикдан кенг ва тўғри фойдаланилмоқда.

Агитаторлар бригада бошлиқлари билан биргаликда ҳар куни икки марта — тушлик дам олиш ва кечки пайтларда ишга якун ясайдилар. Илғор бригадаларга колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг кўчма Қизил байроғи, звеноларга кўчма вимпеллар, теримчиларга қизил байроқчалар ва пул мукофотлари берилмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси колхознинг йиғим-теримда карвонининг бошида боришини таъминламоқда.

А. ХАЛИЛОВ

АҲД ВА ИШОНЧ

«Сталинград» колхозининг меҳнатсеварлари терим суръатини кун сайин оширмоқдалар. КПСС XXII съездини катта хирмон билан кутиб олиш ҳамманинг орзусидир.

Колхоз бу йил 930 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил топшириши керак. Бутун куч ва техника теримга сафарбар этилган. 15 бригаданинг ҳаммасида партиямизнинг XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа қизиб кетди. Колхоз ҳар куни йиллик планнинг 2-2,5 процентини миқдорида пахта топшираётир. 30 сентябрга қадар 1300 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилиб, йиллик план 45 процентга етказилди.

Абдусаттор Халилов бошлиқ бригада планини 57 процент бажариб, олдинда бормоқда. Бу бригада билан мусобақадош Юсуф Эгамбердиев, Рўзибой Усмонов ва Ботир Тургунов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам кунлик пахта топшириш графигини ошириб адо этмоқдалар. Бу бригадалар планни 15 октябргача бажариш учун мусобақани кучайтираётирлар.

Колхоздаги 1500 ишчи кучидан 1400 киши теримда банд. Донгдор теримчилардан Ойшахон Ҳамроева, Маҳсуда Патиева, Абдираҳим Бекмирзаев, Раҳмонберди Одилов ўртоқлар ҳар куни 200-250 килограммдан пахта териб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. 100 дан ортиқ теримчи бу йилги мавсумда 10-15 ва 20 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган. Хадичахон Ҳамроева шу кунгача 6 тонна, Маҳсуда Патиева 5,5 тонна пахта тердилар.

Колхозда 6 та пахта тсриш машинаси ишлаши керак. Ҳар бир механик-ҳайдовчи қайси куни, қайси майдонда ишлашини яхши биладн. 27 сентябрдан бошлаб ҳамма машиналар теримга тушди. Механик-ҳайдовчилардан Бахринисо Қозоқова, Абдулла Муротов, Ҳайдарали Қиргизов, Нурулла Парпиев ўртоқлар мавсумда 150-250 тоннадан пахта теришга аҳд қилдилар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти теримда ўрнак кўрсатаётган илғорларни рағбатлантириш ва уларнинг тажрибаларини бошқаларга ёйиш тадбирларини кўрмоқда. Агитаторлардан Пўлатжон Аббосов. Абдулла Холмирзаев. Ғулом Салоҳиддинов ўртоқлар дам олиш пайтларида колхозчилар ўртасида турли мавзуларда суҳбатлар ўтказадилар. «Мўл ҳосил учун» деворий газетаси ва «Жанговар варақа»ларда илғорларнинг тажрибаси кенг ёритилмоқда. Шу билан бирга ишдаги камчилик ва нуқсонлар қаттиқ танқид қилинмоқда.

А. ПЎЛАТ.

Наманган райони.

35 ЦЕНТНЕРДАН



Юқори Чирчиқ районидаги «III Интернационал» колхозидан хушхабар олинди. Колхознинг Х. Дибердиева бошлиқ бригада аъзолари КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада катта гайрат кўрсатиб, пахта тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 23 центнердан ҳосил олдилар.

Ҳозирги кунда бригада теримчилари ўртасида кўтаринки руҳ авж олиб кетди. Улар жонажон партиямиз съезди шарафига янада гайрат кўрсатиб ишлаб, съездни муносиб туҳфалар билан кутиб олишга аҳд қилганлар.

Бригада аъзолари яқин кунларда социалистик мажбуриятларини ҳам бажарадилар, ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил кўтарадилар.

— Социалистик мажбуриятимизни бажарганимиздан кейин ҳам, — дейди Х. Дибердиева, — далаларимизда жуда кўп пахта очилиб ётган бўлади. Шунинг учун биз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, Коммунистик партиянинг XXII съездини ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» кўтариш билан нишонлашга аҳд қилдик.

Суратда: Х. ДИБЕРДИЕВА.

ФАҚАТ СИФАТЛИ ПАХТА ҚАБУЛ ҚИЛИНСИН

Мамлакатимизда коммунизм қурилиши улуғвор планларидан руҳланган республикамиз пахтакорлари йил бошидан буён фидокорона меҳнат қилиб, КПСС XXII съезди шарафига олинган мажбуриятнинг тўла ва ортиғи билан бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Бу йил пахта булутургига нисбатан анча барвақт очилди. Теримса эрта тушилди. Бу, йиғим-терим ишлари тўғри ташкил қилинса, давлатга ҳар қачонгидан кўпроқ ва яхши сифатли пахта топшириш имкониятини беради.

Андижон, Хоразм областлари терим суръати жиҳатидан 1959 йил—энг юқори ҳосил олинган йил даражасидан ҳам илдам бормоқдалар ва тайёрлов пунктларига нуқул биринчи сорт пахта топшириляптилар.

Лекин Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги ходимлари томонидан ўтказилган текшириш айрим колхоз, совхозлар, тайёрлов пунктлари ортиқча намликдаги пахтани қабул қилиб, булутурги хатоларни такрорлаётганликларини кўрсатди.

Сифатсизлиги ва нормадан ортиқча нам бўлгани учун анчагина миқдордаги пахта колхоз ва совхозларга сортларга ажратиш, қуритиш учун қайтарилянти. Масалан, Фарғона областидаги Тошлоқ пахта заводи бир кунда Марғилон ва Охунбобоев районларидаги 15 та колхознинг 34 автотранспортдаги пахтасини қайтарган. 58 тоннага яқин пахта 9 процентдан 12,5 процентгача нам бўлган. Охунбобоев районидаги «Фарғона» кохозидангина 17,8 тонна пахта сифатсизлиги ва намлиги учун қабул қилинмади.

Тошкент область, Бекобод районидаги 1-2-«Далварзин», «Чаноқ» совхозларида, Ленин номли колхозда, Оржоникидзе районидаги «Сталинград», Хрущев номли колхозларда ҳам хўллиги учун анча пахта қабул қилинмай қайтарилди. Бундай фактларни Чироқчи, Хатирчи районларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Самарқанд область, Хатирчи районидаги Киров номли колхознинг Мирзаев бошлиқ бригадасида эрў-хотин Жўраев ва Жўраевалар янги сув қўйилган жойда 24,6 процент намликдаги пахтани теришган. Шу райондаги Киров номли колхознинг Шукуров бошлиқ бригадасида нобудгарчиликка қарши курашилмаётир. 60 гектар майдондаги гўза ҳаддан ташқари кўп ва узоқ вақт мобайнида суғорилган. Ерга тўкилган пахта суғоришдан олдин териб олинмаган.

Бу фактлар республикадаги кўпгина колхоз ва совхозларда ҳом пахта териляпганини, давлатга нуқул сифатли пахта етказиб бериш учун астойдил курашилмаганини кўрсатмайдими?

Айрим пахта тайёрлаш пунктларида тегишли кондицияга етказилмаган пахтани қабул қилинмоқда. Масалан, Ҳовос пахта тайёрлаш пунктининг мудири Йўлдошев, товаровед Примқулов ўртоқлар «Фарҳод» совхозидан 22502 килограмм, Карл Маркс номли колхоздан 19606 килограмм ортиқча нам пахтани қабул қилишган. Хоразм областидаги бир қатор тайёрлов пунктларида ҳўл пахта қабул қилиняпти.

Айрим тайёрлов пунктлари колхозларни етарли даражада этак билан таъминламаётир. Сурхондарё область, Яккабоғ районидаги «Ленин учқуни» колхозининг Иброҳимов бошлиқ 5-бригадасида 38 теримчининг ярмиси пахтани этак йўқлигидан рўмолга ёки барларига термоқдалар.

Партия, совет ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги ходимлари, колхоз, совхоз ва тайёрлов пунктлари раҳбарларининг вазифалари давлатга хом, ифлос пахта топширилишига қарши курашни кучайтиришдан, мамлакатга аъло сифатли «оқ олтин»ни кўпроқ етказиб бериш учун пахтакорларга конкрет ёрдам беришдан иборатдир.

А. ЖЎРАЕВ,

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги техника экинларини харид қилиш устидан контроллик қилувчи инспекция бошлигининг ўринбосари.

МЕҲНАТКАШЛАР ХАТЛАРИ ИЗИДАН

МАНСАБИДАН ФОЙДАЛАНИБ

Избоскан районидаги «Қизил юлдуз» қишлоқ Советининг раиси Саримсоқ Асронов жамоат ишлари билан шуғулланиш ўрнига кўпроқ шахсий манфаатини кўзлайди. Бу йил у амалидан фойдаланиб, «Москва» колхозининг 0,82 гектар ерига шоли, сабзавот ва полиз экинлари эктирди.

Асронов балиқ овлашнинг ҳам осон йўлини топиб олди. Яқинда у бир неча шишани портлатувчи модда билан тўлдириб колхознинг чўчқачилик фермаси биндаги зовурга ташлади. Бирданига 10 килограмм балиқ тутди. Бироқ ўртасига шу зовурдан сув ичган 19 та чўчқа боласи нобуд бўлди.

Андижон область ижроия комитети шу хат юзасидан редакциямизга хабар қилишича, унда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. «Қизил юлдуз» қишлоқ Советининг қарорига мувофиқ С. Асронов қишлоқ Совети раислиги вазифасидан олиб ташланган.

Колхозчиларга маданий хизмат

Андижон область пахта далаларида маданий хизмат яхши йўлга қўйилган. Агитмашиналар, кўчма кутубхоналар, кино, область халқ ижодий уйининг хор, ашула ва рақс коллективлари пахтакорлар хизматига биркитилган. Область Охунбобоев номли музыкали драма ва комедия театрининг бир группа артистлари Ленин, Марҳамат, Қўргонтепа, Сталин районларининг пахта далаларида бўлиб, колхозчилар учун бир неча концертлар қўйиб бердилар. Колхозчилар ўзбек тилида кўрсатилаётган «Кобра операцияси», «Маҳаллада дув-дув гап», «Янги Деҳли», «Ҳамза» ва бошқа фильмларни завқланиб томоша қилдилар.

Н. ИНОҚОВ.

Узбекистон ССР районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1961 йил 1 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Планнинг бажарилиши	Машина терими (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)
Юқори Чирчиқ	79,94	17,67
Ғаллаорол	65,14	0,60
Ленин	62,21	11,42
Деҳқонобод	61,45	—
Оржоникидзе	60,52	11,40
Поп	59,90	10,42
Чуст	57,00	27,05
Пойариқ	56,40	12,28
Олтинкўл	53,97	4,35
Пахтобод	52,81	5,16
Жарқўрғон	50,35	35,21
Ворошилов	49,47	7,24
Янкабоғ	49,30	10,19
Сариосиё	48,97	16,03
Шўрчи	48,69	25,00
Чироқчи	48,49	3,77
Янгиқўрғон	48,38	12,21
Ҳолдевобек	47,95	8,74
Қўшкўпир	47,68	0,81
Жомбой	47,55	16,46
Жиззах	47,42	21,83
Пискент	47,24	13,38
Марҳамат	46,98	3,20
Жалақудуқ	46,72	4,62
Хўжаобод	46,56	3,69
Шаҳрисабз	46,55	11,97
Булунғур	46,28	10,45
Хева	46,21	1,07
Андижон	45,91	2,03
Қўрғонтепа	45,67	18,85
Денов	45,57	13,42
Ромитан	44,77	7,88
Пастдарғом	44,38	7,16
Сталин	44,13	0,85
Иштихон	43,81	3,87
Ангор	42,98	28,87
Избоскан	42,82	3,60
Ғиждувон	42,76	13,08
Қуйи Чирчиқ	42,69	30,90
Чинобод	42,33	2,07
Урта Чирчиқ	42,17	12,72
Шевот	42,02	2,22
Балиқчи	41,90	3,33
Қува	41,84	0,77
Янгийўл	41,67	10,26
Хонқа	41,54	3,30
Фарғона	41,42	0,49
Ғузор	41,40	3,00
Янгиариқ	41,35	0,44
Учқўрғон	41,24	3,33
Чиноз	41,15	10,92
Косонсой	40,52	15,64
Тўрақўрғон	40,06	3,85
Бўз	39,78	0,81
Оқдарё	39,77	8,92
Шофиркон	39,54	4,32
Зомин	39,32	—
Наманган	39,09	2,68
Китоб	38,84	1,77
Олтиариқ	38,65	0,36
Уйчи	38,41	0,22
Қоражўл	38,22	2,35
Гурлан	38,18	2,43
Қамаши	38,16	5,15
Тўрткўл	38,16	2,69
Свердлов	38,03	1,18
Қизилтепа	37,90	0,68
Коғон	37,79	2,20
Норин	37,76	1,74
Ҳазорасп	37,62	0,84
Ленинград	37,46	2,22
Шеробод	37,46	19,29
Бағдод	37,18	1,37
Термиз	36,88	1,55
Вобкент	36,81	1,50
Урганч	36,48	0,96
Бўка	36,46	16,62
Хатирчи	36,39	5,82
Каттақўрғон	36,07	4,96
Охунбобоев	36,06	—
Сирдарё	35,82	16,10
Куйбишев	35,71	0,03
Бухоро	35,45	1,23
Конимех	35,31	2,42
Марғилон	34,96	0,30
Навоий	33,81	2,91
Фрунзе	33,21	1,75
Ўзбекистон	32,79	0,36
Оқўрғон	32,50	9,58
Норпой	32,42	3,71
Янгиер	31,92	15,90
Самарқанд	31,77	6,22
Беруний	30,75	0,48
Комсомол	30,53	11,89
Пахтачор	30,45	14,59
Бекобод	30,26	9,45
Қўнғирот	29,86	0,61
Тахтакўпир	29,48	1,90
Киров	27,77	—
Чимбой	26,93	1,70
Қўқон	26,39	0,63
Хўжайли	25,95	0,24
Бешкент	25,45	0,93
Гулистон	24,79	5,82
Амударё	23,52	0,56
Косон	22,30	1,38
Қарши	21,56	—
Кегайли	19,52	0,34

Кексалар ҳиммати

ҚУВА. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Райондаги йирик хўжаликлардан бири «Социализм» колхозида терим суръати кундан-кун ошмоқда. Ҳамма далада. Колхоз кексаларидан 127 киши пахтага чиқиб, ҳар куни 3 тоннадан зиёдроқ ҳосилни термоқдалар. 80 ёшли Холиқ ота Заҳриддинов, Ҳожибурхон Махсумов, Иноминджон Исомиддинов ва бошқалар кунига 45-50 килограммдан пахта термоқдалар. Кексаларнинг далага чиқиши ишчи кучларининг икки баравар кўпайишига сабаб бўлди.

Кексалар пахта териб, дала ишларини қизитишга амалий ёрдам бермоқдалар. Комил Йўлдошев, Холмирза Ашуров, Ховул Саидов, Жўра Машрабов ўртоқлар бошлиқ Деҳқонобод, Янгиобод, Октябрь, Дмитров участкаларида ишлаётган кексалар бригадалари пахтакорларга съездни муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун ҳар томонлама ёрдамлашмоқдалар. Кексалар ёрдам бераётган Неъмат Қиргизов, Ашурмат Эминчаев, Ҳусанбой Саидазимов, Эргаш Кимсанов, Тошмамат Мамажонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар йиллик планнинг 50-65 процентн миқдорида пахта сотдилар.

«Коммунизм», Карл Маркс номли, Сталин номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳам кексалар дала ишларини тобора жадаллаштиришда ёрдамлашмоқдалар.

СИЛОС—ГЎШТ, СУТ, ЁҒ

Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида силос бостиришнинг бориши тўғрисида 1961 йил 30 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бажарилиши
Тошкент	80,4
Хоразм	61,2
Андижон	53,5
Фарғона	40,7
Қорақалпоғистон АССР	38,1
Самарқанд	34,7
Бухоро	34,6
Сурхондарё	30,4

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ КУЗГИ ИШЛАРИ

Барча совет кишилари каби қишлоқ меҳнаткашлари ҳам давримизнинг улуғвор ҳужжатини — Коммунистик партия Программасининг проектини зўр эътибор бериб ўрганмоқдалар ва муҳокама қилмоқдалар. Улар бу проектда ўз Ватанининг порлоқ истиқболларини кўрмоқдалар, далаларда ва фермаларда ижодий меҳнат қилмоқ учун шу проектдан янги куч ва ғайрат олмоқдалар.

Халқни бахтли ва саодатли қилиш тўғрисида улуғ гамхўрлик қилаётган партиямиз ўзининг Программасида олижаноб мақсад — мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тариҳан қисқа муддат ичида мўл-кўл қилиб юбориш вазифасини қўйди.

Яқин йиллар ичида дон хўжалигини тез юксалтириш билан бир қаторда чорвачилик ҳам жадал суръатлар билан ривожлантирилади. **«Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми, — дейилади Программа проектида.— гўшт биринчи ўн йиллик мобайнида тахминан уч баравар, йигирма йил мобайнида эса қарийб тўрт баравар оширилади; сут ўн йил мобайнида икки баравардан кўпроқ, йигирма йил мобайнида эса қарийб уч баравар кўпайтирилади. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг белгиланган миқдорда ўсиши чорва моллар ва паррандалар сонини кўпайтириш, уларнинг наслини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш, аввало маккажўхори, қанд лавлаги, хашаки дуккакли экинлар ва бошқа экинлар ҳисобидан мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш билан таъминланади».**

Коммунистик қурилишнинг жуда катта планлари қишлоқ хўжалиги ходимларининг кўп миллионли оммасини руҳлантириб юборди, уларда зўр ғайрат кўзғатди. умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшмоқ учун қизғин истак туғдирди. Етти йилликнинг учинчи йилида колхозлар ва совхозларда социалистик мусобақа мислсиз кенгайиб кетди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун бошланган бу ватанпарварлик ҳаракатида чорвачилик ходимларининг роли жуда катта. Улар бу йилнинг ўзидаёқ давлатга кўпроқ гўшт, мой, сут, жун бериш учун кўп иш қилдилар.

Саккиз ой ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан, мамлакат колхозлари ва совхозларида қорамолларнинг сони етти процент, чўчқалар сони тўққиз процент, паррандалар беш процент кўпайди. Шу давр ичида қорамоллар Россия Федерациясида 2,2 миллион бош, Украинада 800 минг бош, Белоруссияда 400 минг бош кўпайди. Мамлакатда сут етиштириш ҳам бирмунча кўпайди: Сут маҳсулоти шу йилнинг саккиз ойи ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 миллион тонна кўпроқ етиштирилди. Краснодар ва Ставрополь ўлкаларида, Бошқирдистон АССР, Оренбург ва Челябинск областларида. Қозоғистон, Эстония ва Арманистонда бу йил гўшт етиштириш кўпайди.

Минглаб чорвадорлар КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб, юксак мажбуриятлар олдилар. Уларнинг кўплари Ватанга берган ваъдаларини шараф билан бажармоқдалар. Украинада Киев областидаги «Переяславский» совхозининг чўчқабоқари Афанасий Кабанец донг чиқарди. Яқинда уни меҳнатдош ўртоқлари йиллик мажбуриятни бажарганлиги билан қизғин табрикладилар: у давлатга 1200 центнер чўчқа гўшти топширди. Ҳозир ўртоқ Кабанец яна бир мингдан кўпроқ чўчқани боқиб семиртирмоқда.

Ерахтурский районидаги «Прогресс» колхозининг сут соғувчиси А. Зимина Рязань области чорвадорлари учун намуна бўлиб қолди. У, фермадаги ўз ўртоқлари билан бирга ҳар бир сигирдан саккиз ой ичида тўрт минг килограммдан сут соғиб олди, бутун йил ичида эса, олти минг килограммдан сут соғиб олади. Қозоғистондаги Эшим дарёси бўйида жойлашган қўриқ далаларнинг ичкарисида «Чўлоқ сандиқ» совхозининг мол боқари Абдиали Самайбоев ишламоқда. У, 200 бош чорва молини семиртиришга киришиб ҳозирнинг ўзидаёқ давлатга 158 бош жуда семиз сўйим топширди. А. Самайбоев йил охиригача яна 150 бош молни семиртириб беради.

Чорвачиликни ривожлантиришда илғорларнинг ютуқлари, энг яхши колхозлар, совхозлар ва бутун районларнинг муваффақиятлари — КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари амалда рўёбга чиқарилаётганлигининг натижасидир, бу пленум қишлоқ хўжалигининг мана шу жуда муҳим тармогини тез юксалтиришнинг конкрет йўлларини кўрсатиб берди. Новаторларнинг, илғор фермаларнинг намунаси бизнинг резервларимиз ва имкониятларимиз нақадар катта эканлигини қайта-қайта яққол кўрсатиб турибди.

Иттифоқчи республикалар Компартияларининг бўлиб ўтган съездларида, область ва ўлка партия конференцияларида делегатлар колхозлар ва совхозларда бажарилган ишларнинг натижаларини чуқур ва ҳар томонлама анализ қилдилар, камчиликларни кескин очиб ташладилар. Коммунистлар чорвачиликдаги ишларнинг аҳволи тўғрисида жуда жон куйдириб гапирдилар. Бунинг сабаби ҳам маълум. Бир қанча областларда ва ҳатто республикаларда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг бу тармогини ривожлантириш суръатлари ҳали ҳам сust, чорва моллар сонини кўпайтириш планлари бажарилмаётир, чорвачилики и н г маҳсулдорлигини ошириш сust бормоқда. Натижада мамлакат гўшт ва сутни анча миқдорда кам олмоқда.

Ҳозирги вақтда Қирғизистон, Озарбайжон, Туркманистоннинг, Қозоғистондаги бир қанча областларнинг колхозлари ва совхозларида қорамоллар сони ҳатто ўтган йилги миқдорга еттани йўқ. Тожикистон, Ўзбекистон, Грузия, Молдавия ва Болтиқ бўйи республикаларининг хўжаликларида сут етиштириш камайиб кетди. Тожикистон ва Ўзбекистон, Озарбайжон ва Қирғизистонда ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сутнинг ўртача миқдори 14-26 процент камайиб кетганлиги каби фактларга тоқат қилиш мумкинми ахир? Шу республикаларда бўлиб ўтган партия съездлари жамоат чорвачилигини ривожлантиришга қилинаётган раҳбарликни кескин равишда яхшилашни, олинган мажбуриятларни бажармоқ учун ҳамма чораларни кўришни талаб қилганликлари тасодифий эмас.

Чорвачиликни янада юксалтириш чорва моллар қишловига ўз вақтида тайёргарлик кўрилишига ва қишловнинг уюшқоқлик билан ўтказилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Қиш яқинлашиб қолди, аммо ҳали қилинадиган ишлар кўп. Аввало ҳар бир ферма хилма-хил ем-хашакларнинг зарур запаси билан тўлиқ таъминланиши лозим. Бунинг учун бутун партшароит бор. Бу йил далалардан дон, маккажўхори, қанд лавлаги, картошка, дуккакли экинлардан мўл ҳосил етиштирилди. Аммо, мамлакатнинг кўп районларида ем-хашак жамғариш сust бормоқда. Силос бостириш плани сентябрнинг учинчи декадасига қадар колхозлар ва совхозларда ўндан бир қисмидан сал знёдроқ бажарилди, дағал хашак тайёрлаш планининг эса ярмиси бажарилди, холос. Россия Федерациясининг баъзи областлари ва ўлкаларида ем-хашак тўплаш сust бормоқда. Силос бостиришда Белоруссия айниқса орқада қолмоқда. бу республика планни атиги етти процент, Литва 16 процент ва Латвия 21 процент бажарди.

Украинанинг илғор хўжаликлари чорва моллар қишловига яхши тайёрланмоқдалар: ем-хашакларни ғамламоқдалар. фермалардаги бино ва механизмларни ремонт қилмоқдалар. Лекин ҳамма колхозлар, совхозлар ва районларда ҳам бу ишлар шундай яхши боряпти деб айтиб бўлмайди. Республикада маккажўхорини ўриб-йиғиб олиш аллақачон бошланган бўлса ҳам, силос бостириш суръати паст. Бу иш Львов, Черновци, Закарпатск областларида ва бошқа областларда ҳам сust бормоқда. Запорожьедаги колхозлар ва совхозларнинг кўпчилиги эски биноларни ремонт қилишни ҳали бошлагани йўқ, қурилаётган янги омилхоналар ҳам битказилгани йўқ.

Қозоғистоннинг кўриқ ерларида қиш Украинадан олдинроқ бошланади. Лекин бу ерларда ҳам қишни кутиб олишга ҳамма нарса тахт эмас. Омилхоналар қуриш плани атиги бир неча процент бажарилди, холос. Ювлаб сигирхоналар ва чўчқахоналарнинг томлари ёпилгани йўқ. Бир неча ўн минг гектар ердаги похол ҳануззгача ғарамланган эмас.

Чорвачиликни ривожлантириш манфаатлари қишга тайёргарлик ни ҳамма жойларда яқин вақт ичида тугалламоқ учун партия ва совет раҳбарларининг қатъий чоралар кўришларини талаб қилади. Ҳар бир колхоз ва совхоз силос, дағал хашак ва бошқа ҳил ем-хашакларни жамғариш планини бажаришн. бу ем-хашакларни тўғри фойдаланишни ташкил этиши учун ҳамма чораларни кўриш керак. Бу—чорва моллар сонини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун энг зарур шартдир. Яна бир муҳим иш шуки, фермаларни мумкин қадар тезроқ ремонтдан чиқариш, уларни тажрибали кадрлар билан таъминлаш керак.

Кейинги вақтларда партия ва комсомолнинг чақириғи билан минглаб йигитлар ва қизлар ишламоқ учун фермаларга боряпти. Еш чорвадорлар ишга қизғин киришмоқдалар, лекин уларнинг тажрибаси ва зарур ишлаб чиқариш малакалари ҳали етарли эмас. Мутахассислар, колхоз ва совхоз раҳбарларининг бевосита бурчи шуки, улар ишда ёшларга доимий ёрдам бериб туришлари, фермалардаги мирзакорларнинг намунасини кўрсатиб, уларга иш ўргатишлари лозим.

Партия ва бутун халқнинг ҳаётида катта воқеа бўлган КПСС XXII съезди очиладиган кун тобора яқинлашмоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари съездни янги шонли ишлар билан кутиб олишга астойдил интилмоқдалар. Чорвадорлар, қишлоқ хўжалик ходимларининг фахрий бурчи шуки, улар далалардаги ишларнинг ҳаммасини тезроқ тугаллашлари, чорва моллар қишловига яхши тайёргарлик кўриб, уни уюшқоқлик билан ўтказишлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш соҳасидаги социалистик мажбуриятларини бажаришлари лозим.

(«ПРАВДА»нинг 2 октябрдаги бош мақоласи).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АФҒОНИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Афғонистон парламентининг таклифига биноан СССР Олий Совети делегацияси 2 октябрда самолётда жавоб визити билан Москвадан Қобилга жўнаб кетди. Делегация составида СССР Олий Совети Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси, РСФСР маориф министри Е. И. Афанасенко (делегация раҳбари), СССР Олий Совети депутатлари Н. Маннонов, С. Г. Батиев, В. Т. Котов, М. Маҳмадалиев, М-С. И. Умахоновлар бор. (ТАСС).

СУРИЯДА АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК, 1 октябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Байрутдан хабар беради: Дамашқ радиосининг хабарларидан маълум бўлишича, «Қуролли кучларнинг революцион қўмондонлиги» генерал Абдул Карим Захриддиннинг Сурия араб армияси бош қўмондони этиб тайинланганлигини эълон қилди.

Қўмондонликнинг хабарида айтилишича, бугун Суриянинг турли районларидан олинган хабарлар мамлакатда хавфсизлик асосан таъминланганлигидан ва ҳаёт ўз изига тушганлигидан далолат беради.

ҚУЗБЕРИ ҲУКУМАТИ ПРОГРАММАСИ

ЛОНДОН, 30 сентябрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги хабар беради:

Сурияда революцион қўмондонлик томонидан тузилган ҳукуматнинг бошлиғи доктор Мамун Кузбери 29 сентябрь кечқурун ҳукумат программасини эълон қилди ва тўрт ой мобайнида мамлакатни бошқаришнинг конституцион формасини тиклашга ваъда берди.

Доктор Кузбери, деб хабар қилади Рейтер агентлиги, Дамашқ радиоси орқали эшиттирилган баёнотида ҳукумат программасининг қуйидаги моддаларини эълон қилди:

1. Асосий эркинликларни тиклаш ва фавқулодда қонунларни кечиктирмай бекор қилиш.

2. Армияни «такомиллаштириш».

3. Касаба союзларига эркинлик. фойда олишда ва корхоналарни бошқаришда ишчиларнинг иштироки.

4. Валютани ва нархларни стабиллаштириш йўли билан иқтисодий равнақка эришиш, турмуш даражасини ошириш, махсулотларни кўпайтириш ва қонуний фойдаларни ҳимоя қилиш.

5. Ишга қобилиятли давлат аппаратини вужудга келтириш учун шарт-шароит таъминлаш чораларини кўриш.

Баёнотда айтиладики, доктор Кузбери ҳукумати барча араб давлатлари билан ҳамкорлик қилади ҳамда «эркинлик ва тенглик асосида арабларнинг реал ва тўла бирлигига эришиш мақсадида» улар билан бирга иш олиб боради.

Ҳукумат фаластин арабларининг курашини ва «Жазоирнинг курраши»ни қўллаб-қувватлайди ҳамда Араб мамлакатлари иттифоқининг уставига риоя қилади.

Сурия халқаро шартномаларни ҳурмат қилади, дейилади баёнотда. БМТ Уставига риоя қилади ва «унга дўстлик қўлини узатадиган ҳамма давлатлар билан муносабатларни яхшилаш»га ҳаракат қилади.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР УЗИЛДИ

ҚОҲИРА, 1 октябрь. (ТАСС). Президент Носир «Иордания ва Туркия Сурияда тузилган М. Кузбери ҳукуматини танганликларини эълон қилган эдилар.

ҚОҲИРА ГАЗЕТАСИНИНГ ЕЗГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 1 октябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Қоҳирадан хабар беради: «Алахром» газетаси эълон қилган расмий баёнотда айтиладики, Сириядаги сепаратчилар ҳаракатига қарамай Бирлашган Араб Республикаси ўз номини, байроғини ва миллий гимнини ўзгартирмасдан сақлаб қолади.

Сурия райони ажралиб чиққан тақдирда ҳам, деб таъкидланади баёнотда, Бирлашган Араб Республикаси сақланиб қолаверади.

ВАРШАВА АЗИЗ МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛМОҚДА

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ВА ҚОЗОҒИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

□ □ □

Минг йиллик тарихга эга бўлса ҳам, ўз халқининг руҳи ва ғайрати туфайли ҳамиша навқирон Польшанинг пойтахти — Варшава Совет Шарқи республикаларининг маданият ва санъат арбобларини, шу жумладан Чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси Ҳ. С. Шукурова бошлиқ Ўзбекистон делегациясини, артистлар ва туристлар группасини очиқ чеҳра ва самимият билан кутиб олди.

Баҳор — шодлик, яшариш ва бахт-саодат фасли. Ўзбекистон вакиллари Польша тупроғига қадам қўйишлари биланоқ поляк меҳнаткашларининг самимияти ва дўстлик муҳаббатини, улар совет кишиларининг, Совет Шарқи халқларининг турмушига ғоят қизиқиб қараётганликларини ҳис эта бошладилар. Бу туйғулар Совет Шарқи вакилларини Океница аэродромида ва пойтахтнинг бош вокзалида кутиб олган Варшава жамоатчилиги вакилларининг хуш табассумида ҳам, қаттиқ қўл қисиб кўришишларда ҳам ёқимли ҳиди димоқларни элитувчи қизил ва оқ хризантема гулларидан ясалган ва Польша болалар ташкилоти — Харцежи аъзолари меҳмонларга тақдим этган гулдасталарда ҳам ўз ифодасини топди. Маданият кунлари муносабати билан байрам либосига бурканган вокзал билан аэропорт ҳам болаларнинг оқ-кўк кўйлаклари, ўзбеклар, қирғизлар, қозоқлар, тожикларнинг миллий кийимларидан тортиб бу ерликларнинг одати бўйича шалдироқ целлофанга ўраб, қизил лентача билан ўралган гулдасталарга қадар камалакнинг ҳамма рангини ўзида бирлаштирган каттакон гулдастани эслатар эди.

Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни шаҳардаги саноат корхоналари, муассаса ва ташкилотлар коллективларининг жуда кўп вакиллари кутиб олишди.

Ўрта Осиё совет республикалари ва Қозоғистондан келган делегациялар, артистлар, туристлар автомашиналарга тушиб, «Варшава», «Бристоль» меҳмонхоналарига, яқинда қурилган ажойиб архитектура ансамблидан иборат «Дом хлопа» меҳмонхонасига йўл оладилар. Польша пойтахти билан дастлабки танишиш шу вақтдаёқ бошланади. Польша-жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган мамлакат, Николай Коперник ва Мария Склодовская-Кюри каби дунёга машҳур олимлар, Адам Мицкевич ва Юлиуш Словацкий сингари ёзувчилар, Ян Матейко каби ажойиб рассомнинг ватанидир, Машиналар икки томонига кўп қаватли ёруғ бинолар қурилган кенг проспектлардан боради.

Буларнинг ҳаммаси иккинчи жаҳон урушидан кейин қурилди, деб тушунтиради рус сўзларини чертиб-чертиб гапириб, йўл бошловчи қиз. Қиз гитлерчи фашистларнинг иккинчи жаҳон уруши вақтидаги йиртқичликлари ҳақида гапирар экан, чеҳрасидаги табассум сўнади. Фашистлар қизнинг жонажон шаҳрини харобага айлантириди. Варшава тарихда мисли кўрилмаган суратда қасддан вайрон қилинди. Кўча жанглари вақтида ва қамоқ лагерларида 540 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлди. Гитлерчилар ҳамма биноларнинг 90 процентини вайрон қилиб ташлади. Мезбонимиз харобалар ўрнида қад кўтарган янги-янги кварталларни кўрсатар экан, кўзи худди Польшанинг бегубор ложувард осмонидай нурга тўлиб кетади.

Урушдан кейинги йилларда Варшавада икки юз мингдан кўпроқ уй тикланиб, 250 мингдан кўпроқ турар-жой хоналари қурилди. Польша пойтахтининг кенг магистралларидан ўтиб бораётган вақтингизда, ҳамма жойда стреласи осмонга бўй чўзган кранларни кўрасиз. Бинокорлик материаллари юкланган автомашиналар тўхтовсиз ўтиб туради.

Меҳмонларнинг машиналари чорраҳалар олдида дамба-дам тўхтаб қолади. Шу зоҳати уларни пойтахтликлар қуршаб олишади. Улар совет маданияти арбобларининг келишини газета ва радио, жуда кўп афиша ва рекламалар орқали билиб олишган. Пойтахтликлар табассум билан қўл силкиб табриклайдилар, «Сердечне вита ми!», яъни «Хуш келибсиз!» дейдилар. Ўрта Осиё республикаларининг вакиллари «Салом алайкум!» деб жавоб қайтарадилар.

ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ҲАЁТИГА ЗЎР ҚИЗИҚИШ

Варшава Совет Шарқидан келаётган азиз меҳмонларни кутиб олишга узоқ тайёргарлик кўрди. Газета ва журналлар Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг экономикаси гуркираб ривожланганлиги, маданияти барқ уриб яшнаганлиги, меҳнаткашларининг фаровонлиги ошганлигига бағишлаб, катта-катта материаллар босиб чиқарди.

Мана, қўлимизда «Пшиязнь» («Дўстлик») журналининг янги сони. Ўзбекистондаги янги ҳаётни тасвирловчи жуда кўп рангли фотосуратлар: «оқ олтин» денгизи, газ қувурлари, Мирзачўлга ҳаёт бахш этган суғориш каналлари кўзга ташланади. Ўзбекистон ССР харитаси совет ҳокимияти йилларида мобайнида республикада нима ишлар қилинганини, коммунизм қуриш программаси бўлган КПСС янги Программаси проектида белгиланган улуғвор планлар амалга оширилгач, республика қиёфаси қандай бўлишини кўрсатади. Ўзбекистонга бориб келган поляк шоири В. Влободник шу ўлка ҳақидаги шеърини бостирган. Машҳур поляк ёзувчилари В. Бронявский, Ю. Тувим, В. Василевская, К. Прушинскийларнинг ўзбекларнинг революциядан кейинги турмушига бағишланган асарлари эълон қилинган. Поляк дўстлар матбуотда босилган материалларида сўнгги урушнинг оғир йилларида ўз ватандошлари Ўрта Осиёда бошпана ва иш топганликларини миннатдорчилик билан эслайдилар. Бутун Польша матбуоти маданият кунлари Ўрта Осиё республикалари халқ хўжалиги ва маданияти билан мамлакат меҳнаткашларини кенгроқ тарзда таништириш мақсадини кўзлайди, деб таъкидламоқда.

Польша-Совет дўстлиги жамияти Бош правлениесининг секретари Тадеуш Ксенжек «Слово побшехне» газетасида бундай деб ёзади:

— Биз «Маданият кунлари»да меҳнаткашларимиз Совет Шарқи халқларининг ҳаёти ва муваффақиятлари билан, уларнинг фольклори, бой бадиий ижодиёти, маданият соҳасидаги ютуқлари билан атрофлича танишадиган бўлишларига интиламиз. Учрашувларда, лекцияларда ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари поэзияси ва прозаси кечаларида Польшадаги шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси олисдаги дўстларимиз турмушининг ҳамма соҳалари билан танишади.

УНУТИЛМАС КЕЧА

...Варшаванинг қоқ марказида, Польша пойтахтининг асосий кўчаси — Маршалковская кўчасига туташ Парадлар майдонида 32 қаватли Фан ва маданият саройи мағрур қад кўтариб туради. Совет халқи Польша меҳнаткашларига инъом қилган бу муҳташам бино икки мамлакат бузилмас дўстлигининг символидир. Польша Халқ Республикаси пойтахти меҳнаткашларининг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон халқлари маданияти кунларининг бошланишига бағишланган тантанали кечаси шу бинода бўлиб ўтди. Кечани Польша Халқ Республикаси Маданият ва санъат министрлиги билан Польша-Совет жамиятининг Бош правленеси уюштирган эди.

Кечага келган кишилар «Бугунги Ўзбекистон» фотовитриналари олдида узоқ тўхтаб қоладилар. Саройнинг кенг залига ишчилар, олимлар, артистлар, ёзувчилар, жамоат арбоблари, ёшлар тўпланишди. Залда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари В. Яросинский, Польша Халқ Республикасининг маданият ва санъат министри Т. Галинский, СССРнинг Польшадаги элчиси А. Б. Аристов, Польша Халқ Республикаси Маданият ва санъат министрлиги, Польша-Совет дўстлиги жамиятининг масъул ходимлари ўлтирибдилар. Совет Шарқи республикаларидан Польшага келган Қозоғистон ССР, Ўзбекистон ССР делегациялари, туристлар залга киришганларида, тўпланганлар уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олишади.

Польша Халқ Республикаси маданият ва санъат министрининг ўринбосари З. Гарстецкий меҳмонларга самимий табрик сўзлари билан мурожаат қилиб, бундай деди:

— Поляк халқи Совет Ўрта Осиёси республикалари халқлари билан традицион дўстлик иплари билан боғланган.

Нотиқ Совет Армияси сафларида қозоқ, ўзбек, туркман, тожик, қирғиз халқларининг шонли фарзандлари бўлган кўпгина солдат курашчиларини эслатиб ўтади. Улар, деб таъкидлади З. Гарстецкий, узоқ давом этган оғир жангларда Висла ва Одер дарёларига қадар етиб келдилар ва ватанимизни озод қилишда бизга ёрдам бердилар. Сирдарё қирғоқлари ва олис Самарқанддан келган не-не солдатлар поляк халқининг бахт-саодати учун жонини қурбон қилди. Мамлакатимиз харобалардан бош кўтариб келаётган урушдан кейинги дастлабки йилларда Ўрта Осиё республикаларининг мутахассислари заводларни, электростанцияларни юргизиб юборишда, темир йўллар қуришда, мактабларни ремонт қилишда бизга ёрдам бердилар.

— Ҳурматли поляк дўстларимиз, — деб ўз нутқини ўзбек тилида бошлади Чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси Ҳ. С. Шукурова. — Биз ўзбек халқи қалбини, ўз миллий маданиятимиз хазинасини поляк биродарларимиз олдида очиб қўйиш, шоирлари ва жонажон Коммунистик партия раҳбарлигида эришган ютуқларимиз ҳақида сўзлаб бериш билан хурсандмиз.

Ҳ. С. Шукурова шуни зўр ҳаяжон билан маълум қиладики, ўзбек халқи ажойиб поляк революционери Владислав Фигельский хотирасини ҳурмат билан эслашмоқда. Фигельский Тошкентда 1919 йил январь ойидаги контрреволюцион исён кунларида Туркистоннинг бошқа комиссарлари қатори ҳалок бўлган эди. Ўзбекистон пойтахтида, вокзал олдидаги майдонда 14 Туркистон комиссарига ҳайкал ўрнатилмоқда.

Ўртоқ Шукурова Ўзбекистон меҳнаткашлари поляк халқининг социализм қурилишидаги ажойиб ютуқларидан астойдил хурсанд-дирлар, деб таъкидлайди.

Нех жие наруд польски! Нех жие наша пшиязнь! Нех жие поқуй! — деб хитоб қилади у поляк тилида поляк халқи, дўстлик ва тинчлик шарафига.

Ўзбекистон делегациясининг аъзолари Польша-Совет дўстлиги жамиятига эсдалик совғалари тақдим этдилар.

Маданият кунларида қатнашиш учун Польшага келган артистларнинг биринчи концерти зўр муваффақият билан ўтди.

Польша Халқ Республикаси Маданият ва санъат министрлиги, Польша-Совет дўстлиги жамиятининг Бош правленеси маданият кунлари қатнашчилари шарафига қабул маросими ўтказдилар. Қабул маросими ғоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Г. КИСЕЛЕВ,
С. ҚАЛАНДАРОВ,
(Ўзбекистон телеграф агентлигининг махсус мухбирлари).

Варшава.



ТОШКЕНТ области, Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг Латофатхон Шарифхўжаева бошлиқ боғдорчилик бригадасида узум айниқса мўл бўлди. Бригада аъзолари КПСС XXII съезди шарафига мусобақага қўшилиб илгари олган мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар ва 30 гектар майдондаги тонзордан илгаригига нисбатан икки баравар кўп узум топширишга қарор бердилар. СУРАТДА: Латофатхон ШАРИФХЎЖАЕВА тонзорда. Ҳ. Хайитмуҳамедов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

А. Завадский Тошкентда

Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси А. Завадский расмий визит билан Индонезияга бора туриб, 1 октябрдан 2 октябрга ўтар кечаси махсус самолётда Тошкентга келди.

Польша Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ю. Токарский, Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари М. Нашковский, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг аъзоси А. Мушчалова ва Польшанинг бошқа расмий кишилари ҳам А. Завадский билан бирга келдилар.

Ҳурматли меҳмон шарафига аэровокзал биноси устига Польша Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари ўрнатилган эди. А. Завадскийни ва унинг ҳамроҳларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, республика министрлари, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар.

А. Завадский ва унинг йўлдошлари бироз дам олганларидан сўнг 2 октябрь куни эрталаб Тошкентдан Индонезияга жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

ПОКИСТОНЛИК МЕҲМОН

Покистоннинг таниқли саноатчиси ва жамоат арбоби Мирза Абдул Ҳасан Исфоғоний рафиқаси билан Совет Иттифоқи бўйлаб уч ҳафта саёҳат қилгач, 2 октябрда Тошкентдан юртига жўнаб кетди.

Покистонлик меҳмон республика экономикаси ва маданиятининг ривожланиши билан танишди. Тошкент ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди. У Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Исфоғоний жаноблари Тошкентдан жўнаб кетиш олдидан матбуотга баёнот бериб, Совет Иттифоқига қилган сафари «ғоят фойдали» бўлганлигини таъкидлади. (ЎзТАГ).

СПОРТ

КЛАССИК ҚУРАШ

Ўтган якшанба куни Тошкентдаги «Динамо» стадионига спорт томошабинларининг жуда кўп вакили тўпланди. Улар бу ерга 1961 йилги Совет Иттифоқи чемпионлари номини олиш учун курашувчи Иттифоқимиздаги энг кучли полвонларнинг олишувларини томоша қилгани келишган эди. Шахсий биринчилик учун ўтказилаётган бу мусобақаларда энг енгил, енгил ва ўрта ва оғир вазнлардаги полвонлар қатнашмоқда.

Биринчи бўлиб даврага энг енгил вазндаги полвонлар чиқадилар. Қизғин ва жадал курашлар билан ўтган бу мусобақада 56 олишувнинг 4 таси дуранг бўлди ва 10 полвон мағлубиятга учради. 12 курашчи очколар сони жиҳатидан, 30 полвон эса соф галабага эришиб, биринчиликни эгалладилар.

Енгил вазнда куч синашган полвонлар олишуви ҳам қизиқарли бўлди. 1955 йилги жаҳон чемпиони Г. Чамарник (Киев) мастер Л. Ширшаков (РСФСР) билан олишувда галабага эришиш учун уч минут вақт сарфлади. Ўтган йилги биринчилик мусобақаларига қатнашчиси В. Житецков ҳам СССР экс-чемпиони Р. Варданянни тезгина мағлубиятга учратди.

Мусобақа томошабинларини қойил қолдираётган энг кучли полвонлар оғир вазндаги олишувларда ўзаро беллашяптилар. Бу вазндаги мусобақаларда XVII Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпиони И. Богдан (ЦСКА, Москва), XVI Олимпиада ўйинлари чемпиони А. Парфенов, СССР чемпиони В. Залусский, ўтган йилги биринчилик қатнашчиси А. Подзюнский ҳамда самбо кураши бўйича Бутуниттифоқ биринчилигининг голиби А. Рошинлар чемпион олтин медалини олиш учун бир-бирларига «рақиб» бўлиб қолмоқдалар. И. Богдан биринчи нуқта мусобақада тошкентлик оғир вазнли полвон И. Мясниковни осонгина йиқитди.

СССР чемпионлари олтин медалини олиш учун ўтказилаётган бу мусобақалар давом қилянти.

П. ЛЕОНИДОВ.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

НЬЮ-ЙОРКДА УЧРАШУВЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 1 октябрь. (ТАСС). 30 сентябрда СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ давлат секретари Д. Раск билан суҳбатлашди.

НЬЮ-ЙОРК, 1 октябрь. (ТАСС). Совет Иттифоқи Ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Қўшма Штатлар давлат секретари Раск 30 сентябрда «Уолдорф-Астория» меҳмонхонасида ўз суҳбатларини тамомлаганларидан кейин орадан сал вақт ўтгач АҚШ давлат секретарининг аҳоли билан алоқа қилувчи ёрдамчиси Роджер Табби матбуотда эълон қилмоқ учун қуйидаги баёнотни ўқиб берди:

«Фикрлашув самимий бўлди. Биз уни фойдали бўлди, деб ҳисоблаймиз. Маълумки, бу учрашувлар Совет Иттифоқи билан Ғарб иттифоқчилари ўртасида музокаралар олиб бориш керакми ёки йўқми эканлигини аниқлаш мақсадида ўтказилмоқда.

Фикрлашув давом эттирилади деб умидвормиз. Энди учрашув келгуси ҳафтада Вашингтонда ўтказилса керак. Учрашув қайси куни ўтказилиши ҳали аниқланган йўқ. Громико жаноблари Вашингтонга келганидан кейин президент билан учрашуви ихтимол».



Еш Гвинея Республикаси ўз миллий экономикасини ривожланти-риш тўғрисида гамхўрлик қилиб, ўтмишдаги қолоқликни тугатиш тадбирларини кўрмоқда. Ҳукумат ишлаб чиққан уч йиллик планга асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чи-қариши икки ҳисса ортиши ва мам-лакатда асосий озиқ-овқат маҳсу-лотларига эҳтиёж қондирилиши ке-рак. СУРАТДА: Дарабадаги давлат фермасида сабзавот парвариши.

Синьхуа агентлиги фотоси.

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Тошкентдаги 59-мактаб ўқувчилари тўрт йилдан бери хитой тилини зўр ҳавас билан ўрганмоқдалар. Ўқувчилар хитой тилида нашр этилган китобларни бемалол ўқийдиган бўлиб қолдилар.

Мактаб ўқувчилари Хитой Халқ Республикасининг 12 йиллиги муносабати билан дўстлик кечаси ўтказадилар. Кечада хитой халқи қисқа вақт ичида социализм қурилиши соҳасида қўлга киритган катта ғалабалар, совет ва хитой халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ҳақида суҳбат ўтказилади.

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Газ саноати бош бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Алексей Кириллович Кортуновни СССР министри қилиб тайинлади.

ГВИНЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАЙРАМИ

1958 йил 2 октябрда дунё харитасида яна бир мустақил давлат — Гвинея Республикаси пайдо бўлди. Гвинея халқи Демократик партия ва унинг йўлбошчиси Секу Туре раҳбарлигида мустамлакачиликка қарши курашда ғалаба қозонди. Совет ҳукумати биринчилардан бўлиб мустақил Гвинея Республикасини эътироф қилди ҳамда бу мамлакат билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ўрнатишга тайёр эканлигини билдирди.

Чет эл босқинчилари зулми остида етмиш йил жабр чеккан ёш республика олдида миллий экономикани ривожлантириш, мустамлака тузум қолдиқларини йўқотиш каби катта вазифалар турарди.

Гвинея ҳукумати 1960-1962 йилларга мўлжалланган мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш планини ишлаб чиқди. Халқ ўзининг севимли Демократик партияси раҳбарлигида шу планда кўзланган вазифаларни ҳал этишга киришди.

Мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, халқ турмуши даражасини кўтариш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Фақат уч йил ичида давлатнинг ўзи мамлакат экономикасини ривожлантириш учун 30 миллиард франк ишлаб чиқариш ҳаражатларига, 9 миллиарди эса социал ҳаражатлар — мактаб, касалхона, уй-жой қурилишига сарфланади.

Гвинеяда миллий индустрияни вужудга келтириш соҳасида дастлабки қадамлар босилди. мамлакат кооперативлаштириш сари йўл тутмоқда. Мамлакатда жамият фаровонлиги учун бошланган меҳнаткашлар оммасининг кўнгилли «меҳнат жамғарма» ҳаракати кенг қулоч ёйди. Гвинея халқи қолоқлик, очлик ва қашшоқликни таг-томири билан йўқотиш, иқтисодий қарамликдан тамомила қутилиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Гвинея аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Бу ажойиб мамлакатда шоли, банан, кофе, пахта, шакар намуна етиштирилади. Энди-ликда қишлоқ хўжалиги трактор ва плуглар олмоқда.

Мустақил Гвинея ҳукумати бошқа мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш, иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш сиёсатини юргизмоқда, империализм кирдикорларини, мустамлакачиликнинг жирканч башарасини кескин қораламоқда.

Ўзбек халқи ҳам барча совет халқлари қаторн Гвинея республикаси халқлари билан дўстлик ва маданий алоқалар олиб бормоқда. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон Жамияти Гвинея Республикасида намойиш қилиш учун «Совет Ўзбекистони» деган фотовиставка уюштирди. Гвинеяга гуллаб-яшнаётган социалистик Ўзбекистон маданияти ва экономикаси ҳақида ҳикоя қилувчи китоб ва брошюралар, Ўзбек музика асарлари юборилиб турилибди.

Барча совет кишилари ўз мустақиллигининг 3 йиллигини нишонлаётган Гвинея халқига миллий экономика ва маданиятни ривожлантиришда янги муваффақиятлар тилайди.

Д. ИКРОМОВА,
Чет мамлакатлар билан дўстлик маданий алоқа Ўзбекистон Жамиятининг старший референти.

Эълонлар Томошалар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

3 ОКТЯБРДА

19.00 — **Болалар боғчасининг чиқиши** (ўзбек тилида), 19.20 — **Нилуфарли кўл** (ҳужжатли фильм), 19.30 — **Етти йиллик илғорлари** (саноат ходимлари учун рус тилида), 19.50 — **Совет композиторлари ижодида Шарқ темалари** (ўзбек тилида), 20.30 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — **Бешинчи бўлим** номли чех киноповести.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/X да **Кармен**, 4/X да **Оққуш кўли**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/X да янги спектакль **Шубҳа**, 4/X да **Фауст ва ўлим**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/X да янги спектакль **Ғазал фожиаси**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 4/X да **Грузин цирки артистларининг гастроли**.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Темирчи байроғи — «ВАТАН», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Оғир соатда — НАВОИЙ НОМЛИ, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Эски Березовканинг тугаши (1-залда кундуз ва кечқурун), **Довон** (2-залда кундуз ва кечқурун) — «ДРУЖБА».

Мен яшайдиган уй — КИНОЛЕКТОРИЙ (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Венецианлик мавр — «ВАТАН», «ПОБЕДА», «САЛЮТ».

Оғир соатда — НАВОИЙ НОМЛИ, КАФАНОВ НОМЛИ (кеч соат 8-15 минутда), ПУШКИН НОМЛИ (кеч 7 яримда).

Темирчи байроғи — «ФЕСТИВАЛЬ», «ШАРҚ».

Ҳазили йўқ — КАФАНОВ НОМЛИ (кеч соат 10 да), «РАКЕТА».

Хуш келибсан — «ХЕВА», ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Довон — СТЕПАН РАЗИН НОМЛИ.

Варшава сиренаси — ПУШКИН НОМЛИ.

Волга-Волга — «УДАРНИК».

МАРКАЗИЙ
«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
4,5 октябрда
«А» классй бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги учун:
«СКА» (Ростов) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

(1-10 ўринлар учун финал уйинлар) 4/X да дублёр состав, 5/X да асосий состав ўйнайди.

Кеч соат 6 да бошланади. 14-абонемент талон ярайди. Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ
ТЕАТР БИНОСИДА
3 октябрда
60 кишидан иборат
«БАҲОР» ДАВЛАТ ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
янги программада

КОНЦЕРТИ

Бадиий раҳбар — СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева**.

Солистлар — Халқаро фестивал-лар лауреатлари **Тамара Юнусова, Эркинай Расўлхўжаева, Зулайха Раҳматуллаева, Валентина Ромазнова, Каҳрамон Дадаев, Равшан Шариповалар** қатнашади.

Мусиқа раҳбари — **С. Тўхтасинов**, концертмейстер ва адабий бўлим мудири — **С. Каранаш**.

Программада: Шарқ халқлари рақслари. Программани **Муқаддам Қориёқубова** олиб боради.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ
КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
4, 11, 12 октябрда

катта концертлар

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари **Галия Измайлова, Ғулом Абдураҳмонов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Комуна Исмоилова, Авнер Бараев, Карим Алиев**, Жаҳон ёшлар фестивали лауреати **Клара Жалилова**, солистлардан **Раҳима Ҳанимова, Азиза Тўлаганова, Равшан Мўминова, Тоштемир Шарипов, Сасон Беньяминов, Қувондиқ Искандаров, Борис Брейва, Сулаймон Таҳалов, Ҳамид Жалолов, Анбар Йўлдошев, Тилаш Хўжамбердиев**лар қатнашади.

5, 6, 7 октябрда
ИНДОНЕЗИЯ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Программада: Ява, Суматра халқлари ва Индонезиянинг бошқа ороллларидаги халқларининг қўшиқ, рақс ва мусиқаси.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34786. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32147. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри Р-01110. Нашр. Б. 232.